



TOSHKENT DAVLAT  
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

# JAHON ADABIY JARAYONLARI

O'QUV-USLUBIY MAJMUA

BOSH ILMIY-METODIK  
MARKAZ

2022



TOSHKENT

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ТИЛ, ТАРЖИМА ВА КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

Адабиётшунослик (шарқ тиллари) тингловчилари учун

**ТОШКЕНТ – 2022**

Модулнинг ўқув-услугий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020 йил – даги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мқвофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

У.У. Мухибова (ТошДШУ, профессор)

**Такризчилар:**

Д.З. Мухитдинова (ТошДШУ, доцент)

Г. Халлиева (ЎзДЖТУ, профессор)

Ўқув-услугий мажмуа ТошДШУ Кенгашининг 2020 йил 24-декабрдаги 5-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

**I. ИШЧИ ДАСТУР**

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ  
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАР**

**III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

**V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

**VI. ГЛОССАРИЙ**

**VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

# І. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон, 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4680-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

**“Жаҳон адабий жараёнлари”** модули ўқитилиши жараёнида эгалланадиган билим, малака ва кўникмалар ихтисослик фанлар блокига кирадиган фанлар билан интеграллашуви натижасида тингловчиларнинг

адабиётшунослик, унинг назарий қоидалари, ривожланиш омиллари, умумбашарий муаммолар. Миллий қадриятлар, адабиётлардаги таъсир ва ўзаро таъсир, таъсир доирасининг хилма хиллиги каби назарий ва амалий билимлар ривожланади, ушбу фан бўйича назарий ва амалий таҳлил коментенцияси ошади.

Ушбу дастур мазкур курснинг адабиётшуносликнинг фундаментал билим йўналишларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда тузилган. Ҳар бир миллий адабиёт жаҳон адабий жараёнларидан узилган ҳолда ривожланган эмас. Шу маънода адабиётшунос мутахассис дунёқараши кенг бўлиши ва ўрганаётган мамлакат адабиётининг барча давр босқичларини тўғри баҳолай олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим.

Миллий адабиётлар ривожланиш тарихида халқ оғзаки ижоди, минтақавий, диний фалсафий, ижтимоий ҳодисалар доирасида адабиётларда таъсир ва ўзаро қадимда, ўрта асрларда ва нги давр адабий жараёнларида бўлганини кузатиш мумкин.

Ушбу мажмуа турли шарқ мамлакатлари ўртасида ёки Ғарб адабиётининг шарқ халқлари адабиётига бўлган таъсири масалаларини жаҳон адабий жараёнлари кесимида ўрганишга мўлжалланган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Фанни ўқитишдан мақсад**—тингловчиларда шарқ мамлакатлари адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрағниш, англаш ва баҳолаш, ундаги халқ оғзаки ижоди даврдан тортиб бугунги кун адабиёти кесимида жаҳон адабиётининг қайси қирралари доимий, қайси қирралари вақтинчалик таъсирда бўлган, бу таъсирлар нималарда намоён бўлган, жаҳон адабиётшунослиги ривожига ўрганатган мамлакат адабиётининг ҳиссаси нимадан иборат, жаҳон адабиётида нималар миллий адабиётларга кириб келган каби билимлар, тушунчаларни таҳлил қила олиш ва ўқувчиларга ўргата, тушунтира олиш малака ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Жаҳон адабий жараёнлари модулининг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

- Адабиёт ривожининг умумий қонуниятлари ва стандартлари бўйича таянч назарий ва амалий билимларни ривожлантириш;
- Ўрганилаётган мамлакат адабиётининг жаҳон адабиётига қўшган ҳиссаси масаласини назарий асослай олиш;
- Миллий адабиётнинг наср ва назм доирасида янги жанрлар, сюжетлар, образлар ва ғоялар билан бойиб боришида жаҳон халқлари адабиётининг тутган ўрни ва аҳамияти бўйича тингловчиларнинг кўникмаларини янада такомиллаштириш;
- Жаҳон адабий жараёнларининг энг муҳим жиҳатларидан бўлган сайёҳ сюжетлар, образлар ва мотивлар тушунчаларини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб бериш салоҳиятини кучайтириш;
- XX аср Жаҳон халқлари адабиётидаги туб ўзгаришларнинг назарий асослари ва уларнинг бадиий асарлар мазмунида акс этганини адабиётшуносликнинг назарий қоидалари асослаб бериш кўникмаларини ривожлантириш;
- Умумбашарий ва умуминсоний қадриятларнинг миллий адабиётлардаги ўхшаш ҳодисаларга асос бўлиши, улардаги таъсир ва ўзаро таъсир масалаларини илмий жиҳатдан асослаб бера олиш компетенциясини такомиллаштириш;
- Шарқ ва Ғарб адабиёти ўртасидаги таъсир масалаларида замонавий оқим ва йўналишларнинг тутган ўрни масаласининг илдизларини аниқлай олиш, ривожланиш омилларини ажратиб кўрсата олиш малакасига эга бўлиш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенциясига қўйиладиган талаблар**

Жаҳон адабий жараёнлари модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- адабиётшуносликнинг умумий қонуниятлари ва стандартлари талабларини;
- шарқ ва ғарб адабиётлари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни;
- адабиётдаги таъсир ва ўзаро таъсир ҳодисасининг доираларини;
- сайёҳ сюжет, сайёҳ образ ва сайёҳ мотивлар каби тушунчалар моҳиятини;
- миллий адабий жараён, жаҳон адабий жараёни, умумийлик ва хусусийлик тушунчаларини;
- шарқ адабиётида компаративистика ҳодисаси ва унинг назарий асослари ҳақида;
- халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт, ҳар иккисидagi ўзаро таъсир жараёнлари ва уларнинг сабаб ва асослари ҳақида;
- поэтика илмининг миллий адабиётлардаги ўзига хослиги ва умумий жиҳатлари ҳақида;
- бадиийлик мезонлари ва уларнинг даврлар кесимида ўзгариб бориши ҳақида;
- Образ, персонаж ва қаҳрамон тушунчаларини тўғри англаш ва талқин қилиш ва ажрата олишни ҳақидаги *билимларга* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- маълум бир миллат адабий жараёнларини ўрганишда манбалар билан ишлаш;
- миллий ва жаҳон адабиёти тавсифи бўйича жамланган маълумотларни амалда қўллай олиш;
- таълим оловчиларнинг бадиият олам нимадан иборат деган тушунчани билиш қобилиятини баҳолай олиш;



- адабиётшунослик ва глобаллашув жараёнларини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб бера олиш;
- тингловчиларни ўз-ўзини баҳолашга қаратилган портфолиосини ишлаб чиқиш амалиётда қўллаш **малакаларини эгаллаши** зарур;

### **Тингловчи:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида адабий жараён ва миллий адабиёт деган тушунчаларни тингловчига асослаб бериш, тушунтириш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва фидбек бериш;
- ўрганилаётган мамлакат адабиётининг жаҳон адабиёти кесимида тутган ўрнини баҳолаш;
- илғор ахборот-технологияларида ишлаш;
- видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;
- адабиёт фанини ўқитишда масофавий таълим ва платформаларда тингловчиларни баҳолаш;
- хориж адабиётини ўқитишда баҳолашга оид қарорлар қабул қилиш амалиётида қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан**

### **боғлиқлиги ва узвийлиги**

Жаҳон адабий жараёнлари модули Мамлакат адабиёти ва адабиётшунослик фанларини ўқитишдаги замонавий методлар, жаҳон адабий жараёнлари, адабиётшунослик ва адабиёт назарияси каби адабиётшуносликка оид фанлар билан ўзаро боғлиқ.

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, интерфаол методларнинг куйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гурухли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий ҳужум методи (brainstorming).

Шунингдек, фанни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан:

- мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш,
- Power Point дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўрганилаётган мамлакат адабиёти ва адабиётшунослиги, глобаллашув жараёнлари, умумжаҳон адабий ажарёнлари, миллий адабиётлар, таъсир ва ўзаро таъсир, минтақавий, диний-фалсафий ва ижтимоий сиёсий йўналишлардаги таъсирлар доирасини англаш, тушунтириш, тингловчиларни баҳолаш ва хориж адабиётини ўқитишда мустақил қарорлар қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Аудитория ўқув юкلامаси	
		а	м жумладан

			Назарий	Амалий машғулот
1.	Жаҳон адабий жараёнларининг ривожланиш қонунияти, умумийлик ва миллийлик.	2		2
2.	Миллий ва маънавий қадриятлар. Адабий жараёнлардаги таъсир ва ўзаро таъсир масалалари.	4	2	2
3.	XX аср адабий оқимлар ва йўналишлар доирасида таъсир ва ўзаро таъсир масалалари.	4	2	2
4.	Адабиётда сайёх сюжетлар, образлар, мотивлар ва ғоялар.	4	2	2
5.	XXI аср жаҳон адабиётидаги кескин ўзгаришлар, янги мавзу, ғоя, сюжет ва образларнинг вужудга келиши.	4	2	2
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу.** Жаҳон адабий жараёнларининг ривожланиш қонунияти, умумийлик ва миллийлик.

Жаҳон адабий жараёнлари кесимида Шарқ халқлари адабиёти. Адабиёт ривожда инсон онги ўзгаришларининг аҳамияти, Адабиётдаги умумийлик ва миллийликни таъминлаш тамойиллари. Шарқ адабиётида миллийликнинг ўзига хослиги ва жаҳон халқлари адабиёти билан умумийлик жиҳатлари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, бахс-мунозара.*

**2-мавзу.** Миллий ва маънавий қадриятлар. Адабий жараёнлардаги таъсир ва ўзаро таъсир масалалари.

Адабиёт миллат тарихи, жамият муаммолари ва халқ дунёқарашининг инъикоси сифатида. Халқ оғзаки ижодида, ёзма адабиётда миллат тарихининг, миллийлик илдизларининг ҳамда миллат маънавиятининг шаклланиб бориши ва тарихий тараққиёт жараёнида адабиётлардаги таъсир ва ўзаро таъсир: минтақавий, диний-фалсафий ва ижтимоий муаммолар кесимида.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *муаммоли таълим, кластер, диаграмма, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

**3-мавзу.** XX аср адабий оқимлар ва йўналишлар доирасида таъсир ва ўзаро таъсир масалалари.

XX аср жаҳон ҳамжамиятида инсон онгидаги ўзгаришлар ва уларнинг адабиётдаги инъикоси. Адабий жараёнлардаги умумийлик ва ўзига хослик. Ғарб мамлакатлари адабиётининг шарқ халқлари адабиётига таъсири, наср ва назмда. Янги жанр, сюжет, ғоя ва образларнинг вужудга келиши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, бахс-мунозара, кластер.*

**4-мавзу.** Адабиётда сайёҳ сюжетлар, образлар, мотивлар ва ғоялар.

Сайёҳ сюжетлар ҳақида шарқ ва ғарб адабиётшуносларининг қарашлари, Сайёҳ образлар ва ғоялар ва фольклор мерос ва унинг ёзма адабиёт ривожига таъсири: сюжетлар, образлар ва ғоялар кесимида. Сайёҳ сюжетларнинг вужудга келишида умумбашарий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндашув, Диаграмма Вэнна, муаммоли таълим, бахс- мунозара, кейс.*

**5-мавзу.** ХХІ аср жаҳон адабиётидаги кескин ўзгаришлар, янги мавзу, ғоя, сюжет ва образларнинг вужудга келиши.

ХХІ аср инсоният онгидаги ўзгаришлар ва унинг адабий жараёнларда акс этиши. Глобаллашув асида Ғарб ва Шарқ халқлари адабиёти: наср ва назмнинг турли жанрлари кесимида, умумийлик ва хусусийлик, миллий кадрияларга қайтишнинг адабий асарлар мазмунида акс этиши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари *диалогик ёндашув, муаммоли таълим, кейс, бахс-мунозара.*

### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий кизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган саволларга ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).
- Ўрганаётган мамлакат адабиёти ва унинг жаҳон адабий жараёнлари кесимида тутган ўрни, қўшган ҳиссаси ва ривожланиш омилларини ажрата билиш.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“КЕЙС-СТАДИ” методи “Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>* кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>* ахборотни умумлаштириш;</li> <li>* ахборот таҳлили;</li> <li>* муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>* асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал	<ul style="list-style-type: none"> <li>* индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>* муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> </ul>

этиш йўллари ишлаб чиқиш	* ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; * муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот	* якка ва гуруҳда ишлаш; * муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; * ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; * якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс.** Талабаларга аудиторияда мустақил иш бажариш топширилди. Талабалар мустақил ишни бажараётганлирида битта талаба бошқа талабаларга халақит бериб, барчанинг диққатини чалғита бошлади.

#### Сизнинг ҳаракатингиз....

<b>Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар</b>
* кейсдаги муаммоли вазиятни юзага келтирган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда); * мобил иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфт-жуфт бўлиб ишлаш)

#### “ФСМУ” методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда, ўтилган мавзу юзасидан

саволларга жавоб олишди, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:** иштирокчиларга мавзуга оид якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади; ҳар бир иштирокчига ФСМУ методи босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади: иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

<b>Ф</b>	фикрингизни баён этинг
<b>С</b>	фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг
<b>М</b>	кўрсатган сабабингизни мисоллар орқали далилланг
<b>У</b>	фикрингизни умумлаштиринг

**ФСМУ** таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилади ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадilar;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб



топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## ВЕННА ДИАГРАММАСИ

### “БЛИЦ-ЎЙИН” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва талабалардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.
4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарк чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи яқка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **“ХУЛОСАЛАШ” (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Жумладан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва 15 семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Намуна:**

афзаллиги		камчилиги		афзаллиги	

### **Ш. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу**

#### **ЖАҲОН АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТИ, УМУМИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК.**

- 1.1. Адабиёт тараққиётининг ички ва ташқи омиллари: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият, маданий-маърифий шароит, адабий алоқалар, адабий анъана ва янгиликлар

Бадиий ижодиётга таалукли адабий жараён тушунчасига унинг ўзига хос хусусиятлари, ижодий таъсир ва ўзаро алоқаларнинг роли, эстетик категориялар, адабий турлар ва жанрлар, метод ва ёзувчининг шахсий услуби масалалари киради.

Маълумки, бадиий адабиёт анвойи жанрларда ёзилган, хилма-хил адиблар қаламига мансуб, турли туман даврлар, халқлар, табақалар ва қатламлар ҳаётини акс эттирган минглаб адабий асарлардан иборат. Ҳар бир адабий асар ижод жараёни деб аталмиш жуда мураккаб ва кўп қиррали тараққиёт босқичларидан ўтади.

Муайян адабий асарнинг ғоя ва мазмуни, жанри ва қаҳрамонларини танлашда ёзувчига тарихий шароит, замон талаби, адабиётнинг умумий аҳволи ва бошқа жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади.

Масалан, араб адабиётида Тоҳа Ҳусайн, Тауфиқ ал-Ҳаким, Нажиб Маҳфузнинг етук асарлари катта ҳодиса бўлиб, нафақат миллий адабиётнинг ривожини таъминлайди, балки жаҳон адабиётида ҳам катта ҳодисага айланиб, умуминсоний аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бадиий адабиётнинг таркибига кирган алоҳида асарлар бир-бирлари билан ва воқелик билан доимий узвий боғланишда бўлади.

Агар биз адабий асарни ўрганганда унинг бадиийлигига, образларига, характер, сюжет, конфликт (зиддият), композиция (тузилиш), тил каби назарий масалалар нуқтаи назаридан ўргансак, адабий жараён билан чамбарчас боғлиқ бўлган эпос, лирика, драма, сатира жинс ва жанрлар, эстетик категориялар, адабий таъсир ва алоқалар, анъана (традиция) ва янгиланиш (новаторлик), услуб ва метод масалаларига кўпроқ эътибор берамиз. Аммо бу тарзда гуруҳлаш, албатта, маълум бир шартлиликдан ҳоли эмас. Чунки, адабиётнинг ижтимоий роли ва ўзига ҳослиги, бадиийлик критериялари ва эстетик категориялар фақат адабий асаргагина эмас, ёки фақат адабий жараёнга алоқадор бўлмай, уларнинг ҳар иккаласига ҳам таалуклидир. Ижод жараёни муайян асарга қанчалик боғлиқ бўлса, бутун адабий ҳаракатга ҳам шунчалик таалуклидир. Фақат ёзувчининг алоҳида асар устида ишлаши ҳаётдаги воқеалар, тарихий шароит, замон талаби китобхоннинг эҳтиёжлари билан шундай аралашиб кетдики, бунинг ҳаммасини кўпроқ адабий жараённинг умумий қонуниятлари асосида тадқиқ қилиш зарур бўлиб қолади.

Бадиий адабиёт қадимги замонларда мифлар, эртаклар, халқ қўшиқлари ва дostonлари қадимги (антик) дунё эпослари ва драмматик асарлари тарзида падо бўлгандан бери неча минг йиллар давомида жуда кўп тарихий ўзгаришларни бошдан кечирди, унинг мазмуни, бадиий шакли ҳам жуда кўп тараққиёт босқичларидан ўтди. Адабиётнинг ривожининг тинимсиз бир жараёнга айланди.

Адабий жараённинг миллийлигини устида гап олиб борсак, ҳар бир адабиётнинг миллий хусусиятлари унинг тилида, қаҳрамоннинг ҳаёти ҳаёт тарзида, урф-одатларида, характерларида намоён бўлади. Ёзувчи бунинг ҳаммасини тасвирлаш орқали асарда иштирок этувчи персонажлар образини индивидуаллаштиришга ва типиклаштиришга эришади (реализм методида ёзилган асарларда). Адабий жараённинг миллийлигини унинг ҳар бир халққа ўзига хос шаклларда тараққий этиши ва жаҳон миқёсидаги ранг-баранглиги, бойлигини таъминловчи омиллардандир.

Шу билан бирга, адабий жараён фақат биргина адабиётнинг қобига ўралиб қололмайди, балки доимо халқаро миқёсда ривожланади. Шунинг учун ҳам биз жаҳон адабий жараён тушунчасини қўллаймиз. Чунки барча халқлар тажрибалар бир-бирига ўхшаб, бирлашиб, мана шу адабий жараённи ташкил қилади.

Адабий жараён – катта тарихий давр ичидаги адабиётнинг ҳаракати, у адабий ҳаётда рўй берган ва аҳамият касб этган ўзгаришларни, умумий жараённи англатади.

Адабий жараённинг моҳиятини англашда ижодий метод, услуб, жанр, турли бадиий оқимлар ва йўналишлар хизмат қилади. Улар воқеликни эстетик англашга ёрдам берувчи бадиий тизимлардир.

Адабий йўналиш – маълум тарихий даврда ўз мафкураси ва тажрибаси билан бир-бирига яқин турган бир неча ёзувчилар ижодидаги ғоявий-бадиий хусусиятлар-мавзу, ғоя, бадиий тасвир ва ҳ.к.бирлиги.

Адабий оқим- адабий йўналишга нисбатан торроқ тушунча болиб, у ёки бу умумида бадиий доирада ҳаракат қила олмайди. Масалан, романтизм йўналишининг бир нечта оқимлари бор: Лондон романтизми(Кирс,Шелли, Хезшт ва бошқалар), “Кўл мактаби” (Соути, Колриж, Вардеборт), Немис романтизми ва бошқалар.

Албатта, адабий йўналиш бирлик, яхлитлик (методда) ҳар бир ёзувчининг ўзининг қаламига эгаллигини инкор қилмайди, ўз таланти, истеъдоди, дунёқараш доирасида ижод қилади у, аммо бадиий яхлитлик, воқеликни акс этишда шахсият концепциясини янгилашга ўзлаштиришда.

Европа классицизмида – ақл-заковатли инсон концепцияси, романтизмда - ҳиссиётга берилган инсон концепцияси, реализм – ижтимоий инсон, социум ва шунингдек зиддият кўриниши ҳам аҳамият касб этади: масалан, классицизмда – бурч ва ҳиссиёт, романтизмда – идеал (мисол/инсон) ва воқелик, реализмда – характер ва ҳолат.

Агар биз ёзувчининг ижодини бадиий метод, услуб, жанр нуктаи назаридан тавсиф этсак, биз уни адабий ёналишлар ва оқимлардан иборат бўлган умумий адабий жараён контекстида англашга қадар бўламиз.

Адабий жараённи ўрганганда даврнинг тавсифига аҳамият бермасдан ўтиш мумкин эмас – муайян маданий давр, бадиий давр, адабиёт ривожини босқичи, тарихий-адабий жараён ва ҳоказо.

## 1.2. Адабиёт тарихининг тадрижийлиги.

Бадиий адабиётнинг иккиёқлама моҳияти, унинг бир тарафдан санъат ҳодисаси, иккинчи томондан ижтимоий онг шакллари билан биридик. Ижтимоий онг – кишилик жамияти тараққиётининг муайян босқичида ўша жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлган борлиқ (олам, одам, жамият) ҳақидаги билимлар, тасаввурларнинг жами тушунилади. Ижтимоий онг бевосита жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий маърифий тараққий даражаси билан боғлиқ бўлади. Айтайлик, ибтидоий жамият кишиси билан ҳохирги ҳамон кишилари онгидаги олам ва одам ҳақидаги билимлар орасидаги фарқ билан осмонча. Ижтимоий онгни, яъни дунё ҳақидаги билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш, бойитишга хизмат қилувчи соҳларнинг бари ижтимоий онг шакллари деб юритилади.

Бадиий адабиёт – инсоннинг руҳий фаолияти маҳсули. Бадиий адабиётни руҳий фаолият турларидан бири деб аташга имкон берадиган нарса шуки, ижодкор ўзининг «фаолияти» йўналтирилган предметни (кенг маънода борлиқни) ўз онгида ўзгартиради ва бадиий образда акс эттиради. Адабиёт реал воқеликни бевосита эмас, билвосита – дунёни ўзгартирувчини, инсонни ўзгартириш орқали амалга оширади.

Бадиий адабиётнинг кўп асрлик тараққиёти, унинг кишилар ички дунёсига, уларни қуршаб турган ташқи борлиқ билан алоқаларига ва ўзаро муносабатларига тобора чуқур кириб борганлигидан далолат беради. Бундан қонуний равишда: бадиий адабиётнинг бош мавзуси, предмети инсондир, деган хулоса келиб чиқади. Бироқ бу ҳодиса бирданига, яъни адабиёт ва санъат тарққиётининг дастлабки босқичларидаёқ содир бўлмаган. Аксинча, инсоннинг бадиий асарларда марказий ўринни эгаллаши дунёни бадиий равишда ва ижод соҳасида кишилик томонидан босиб ўтилган катта йўлнинг натижаси ҳисобланади.

**Лекин, инсон бадиий асарларда миқдор жиҳатдан етакчи ўринга чиққанлиги учунгина адабиётнинг бош мавзуи ҳисобланмайди. Унинг адабиётда асосий мавзуга айланишининг сабаби яна шундаки, бадиий асарларда табиат, ҳайвонлар ва умуман ҳамма нарса кишилар ҳаёти ва характери, фикрлари, ҳис-туйғулари билан боғлиқ ҳолда тасвир этилади.**

Ёзувчилар кўпинча кишилар характери ва тақдирини таъсирчан кўрсатишда табиат манзараларидан фойдаланадилар. Табиат манзараси илмий адабиётда «пейзаж» деб юритилади. Табиат образи асар композициясида, албатта, аниқ ғоявий мақсадни ифодалайди:

1. Қаҳрамон ҳаракат қиладиган табиий муҳитни кўрсатади.

2. Қахрамон характерининг у ёки бу қирраларини очишга хизмат қилади.

3. Асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисага тарихий-конкрет табиий тус беради ва ҳақозо.

Лекин, табиат манзаралари ҳар доим ҳам ёрдамчи вазифани ўтайвермайди. Масалан, «Пейзаж шеърлари» да табиат ҳодисалари, табиат манзаралари, асосий тасвир манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунда ҳам табиат ҳодисалари соф ҳолда эмас, балки инсон ҳаёти билан боғлиқликда юзага чиқади.

Бадиий асарда ҳайвонот дунёси тасвирига ҳам алоҳида эътибор берилади. Ҳайвонлар образи воситасида ёзувчилар инсон манфаатларига ҳамоҳанг бўлган кишилар ҳаётини эслатадиган ва уларнинг руҳий такомили учун муҳим ҳисобланган томонларни акс эттирадilar.

Баъзан ҳайвонларнинг образлари табиат манзаралари сингари инсонга хос турли белгиларни яхши очиш мақсадида уларга зид қўйилган ҳолда ҳам тасвирланади. Масалан, Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасида она буғу образи.

Айрим адабий асарларда қушлар ва ҳайвонлар ўзларида бевосита кишиларга хос бўлган хусусиятларни мужассамлаштирган образлар сифатида иштирок этадилар. Бундай аллегорик тасвир кўпроқ эртақларда, масалларда ва бошқа жанрдаги асарларда учрайди.

Бадиий асарларда буюмлар, жисмлар, нарсалар тасвири ҳам, муҳит, уй жиҳозлари кабилар ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди. Бундай образлар одатда, асарда миллий социал-тарихий колоритни ифодалашга, қахрамонларнинг конкретлаштиришга, уларга табиий тус беришга, характер қирраларини очишга хизмат қилади.

Адабиёт ва санъатда инсонни бадиий тарзда талқин қилиш фандагидан, даставвал шу билан фарқ қиладики, улар ўз манбаини илмдаги каби қисмларга ажратиб эмас, балки жонли яхлитликда, бир бутунликда тадқиқ этади.

**Инсон адабиётда бутун мураккаблиги, яхлитлиги билан акс этади. Адабиётнинг марказида инсон – ҳис қилувчи, фикрловчи, ҳаракат қилувчи, ўз атрофини қуршаб олган ташқи дунё билан боғланган киши туради. Шунга кўра адабиётни инсоншунослик деб тушуниш лозим.**

Шундай қилиб, ёзувчи ўз асарида бутун воқелик ва мураккаб ҳаётий муносабатларни конкрет инсон ҳаёти манзаралари орқали бадиий ифодалайди. Адабиётнинг тасвир объекти – воқелик, ҳаёт; тасвир предмети – инсон ва унинг вазифаси – кишиларга маърифат ва эстетик тарбия беришдан иборат.

2. Бадиий адабиётнинг энг муҳим вазифаси шуки, у инсонни комилликка етаклайди, жамиятни мукаммаллаштиришга хизмат қилади. Бадиий адабиёт инсон (жемакки, жамиятни) ни ўзгартириш орқали дунёни ўзгартиради. Негаки, бадиий адабиёт реал воқеликни акс эттирибгина қўймайди, у идеал асосида фикрлайди, воқеликни идеал асосида қайта яратади, чинакам санъат асаридаги бадиий ҳукм идеалдан келиб чиққан ҳолда чиқарилади.

Бадиий адабиётининг ижтимоий ҳаётда бажарувчи вазифалари куйидагилар:

1. Билиш (эвристик) функцияси. Бадиий адабиёт борликни бадиий билишоркали бизнинг олам, одам ва жамият ҳақидаги билим ва тасаввурларимизни бойитади.

2. Бадиий концептуал функция. Бадиий адабиёт ҳаётни, жамиятнинг жорий ҳолатини бадиий таҳлил қилиш орқали олам ва одам ҳақида яхлит бадиий ҳукм – бадиий концепциясини ишлаб чиқишга интилади. Бу жиҳати билан бадиий адабиёт фалсафага яқинлашади.

3. Коммуникатив функция. Бадиий адабиёт шахслараро, авлодлараро, миллатлараро мулоқатнинг амалга ошишига хизмат қилади. Бадиий асарни яратиш давомида ижодкор тасаввурдаги ўқувчи билан мулоқатга киришса, уни ўқиш жараёнида ўқувчи ижодкор билан мулоқатга киришади.

4. Тарбиявий (дидактик) функция. Бадиий адабиёт шахсини ақлан ва руҳан камолга етказди, жамиятнинг маънан тозариши ва юксалишига хизмат қилади.

5. Компенсаторлик функцияси. Бадиий адабиётда инсон ўз ҳаётида кўрмаганини кўради, ундан ўзига етишмаётган нарсаларни топади. Ва шу асосда руҳий қониқиш ҳосил қилади. Бу жараённинг асоси шуки, бадиий асар мутолааси давомида ўқувчи ирреал оламда - бадиий реалликда яшайди: шу ирреал оламда реал ҳаётида кўнглидан кечирмаган ҳисларни кечиради, умри давомида тушмаган вазиятларда яшайди.

6. Бадиий башорат. Бадиий адабиётнинг башоратчилик функцияси халқ оғзаки ижодидаги эртақлардайок намоён бўлади. Бадиий адабиёт «кеча» ёки «бугун»нинг бадиий таҳлили асосида кишилик жамиятининг «эрта»си ҳақида фикр айтишга интилади.

1. «Санъат» сўзи бизни луғавий маънода эмас, истилоҳий маънода қизиқтиради. Истилоҳий маънода «санъат» деганда инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосида борликни бадиий ўзлаштириш (ва ўзгартириш)га қратилган яратувчилик фаолияти ҳамда унинг натижаси ўлароқ вужудга келган нарсалар жами тушунилади. Санъат «Амалий санъат» ва «бадиий (нафис) санъат» турларига бўлинади.

«Амалий санъат» турларига кулолчилик, наққошлик, кашатачилик, зардўзлик, моделерик каби қатор соҳалар кирса, «бадиий санъат» ларга рассомлик, мусиқа, ҳайкалтарошлик, кино, бадиий адабиёт, театр кабилар қиради. Амалий ва бадиий санъат турларининг умумлаштирувчи жиҳати шуки, ҳа иккиси ҳам гўзаллик қонунлари асосида дид ва маҳорат билан яратилади. Фарқли томони шуки, Амалий санъат маҳсулоти инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилса, бадиий санъат намуналари инсоннинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Амалий санъатмаҳсулотининг қиммати биринчи навбатда фойдалилиги билан белгиланилади.

Тор маънода қўлланилган «санъат» сўзи бадиий санъатларни кўзда тутди. Бадиий санъатлар деганда мусиқа, рақс, рассомлик, ҳакалтарошлик, бадиий

адабиёт, театр, кино каби санъат турлари киради. Бу турларнинг умумлаштирувчи жиҳат образлилик, яъни уларнинг бари бадий образ воситасида фикрлайди. Фарқловчи жиҳатлари, бу нарса биринчи навбатда образ яратиш йўлларида кўрилади: мусиқа оҳанглар, рассомлик ранглар, рақс пластик ҳаракатлар. Ҳайкалтарошлик қотган пластика воситасида образ яратади. Бадий адабиёт эса сўз воситасида образ яратади ва у боис ҳам сўз санъати деб юритилади. Сўз билан иш кўргани учун бадий адабиёт бошқа санъат турлари орасида тасвир ва ифода имкониятларининг кенглиги билан алоҳида ўрин ва мавқе касб этади. Бадий адабиётда тасвирийлик ва ифодавийлик ҳам мавжуд.

## МАВЗУ 2

### АДАБИЁТДА ТАЪСИР ВА ЎЗARO ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ:

Адабиётшуносликда «адабий жараён» атамаси тор ва кенг маъноларда қўлланади. Кенг маънода қўлланилганда адабий жараён атамаси бадий адабиётнинг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётган узлуксиз тараққиёт жараёнини билдиради. Тормаънода эса шу атама остида муайян бир давр адабий жараёни, ундаги бадий адабиётнинг мавжудлиги ва ривожини билан боғлиқ барча нарса-ҳодисалар, жараёнлар тушинилади.

«Ҳаётни бадий акс этириш принциплари» (Г.Поспелов) тушунча адабиёт назарияси ва эстетикага оид ишларда (ижод типи (Л.Тимофеев), «бадий тафаккур шакли» (И. Султон), «бадий тафаккур усули» (Й.Борев) каби қатор атамалар билан юритилади. Адабий асарларни уларда яратилган бадий воқеликнинг реал воқеликка муносабатига кўра иккита гуруҳга (реалистик ва нореалистик) ажратилади. Г.Поспелов: «... ёзувчи ўз қаҳрамонларини ўзлари яшаган давр ва муҳит муносабатлари асосида шаклланган ижтимоий характерлари хусусиятларига, уларнинг ички мантиғига мувофиқ тарзда ҳаркат қилиш (исташ, уйлаш, ҳис этиш, гапириш) га мажбур қилади». Бунинг акси ўлароқ, ҳаётнинг бадий акс этиришнинг нореалистик принцигига таянилган асарда эса: «... ёзувчи ўз персонажларини ўз характерларининг реал, тарихан конкрет хусусиятлари ва имкониятларига мувофиқ тарзда эмас, балки ўша характерларнинг ёзувчи қарашлари ва идеаллари асосида ҳиссий идрок этилган, тарихий конкретлиқдан узилган моҳиятига мувофиқ тарзда ҳаркат қилиш (исташ, уйлаш, ҳис этиш, гапириш) га мажбур қилади».

Демак, ҳаётни бадий акс этиришнинг реалистик принципи характерларнинг уларни шакллантирган ижтимоий-тарихий шароитга, кўпроқ шу шароит билан белгиланувчи характер мантиғига мувофиқ ҳаркат қилишларини тақозо қилади. Нореалистик асарда эса қаҳрамон ўзининг конкрет шароитда шаклланган характери мантиғидан келиб чиқиб ҳаркат қилмайди, балки ёзувчининг қарашлари ва идеалига мос тарзда ҳаракатлантирилади.



Ҳаётни бадиий акс эттириш тамойиллари XXасрнинг 30-40 йиллар адабиётшунослигида «метод» (юн. Methodos – тадқиқ қилиш усули) деб юритилиб, унга кўра бадиий адабиётда иккита – реалистик ва нореалистик методлар мавжуд деб саналган. Бадиий тафаккур тарзини англаувчи методг носеологик (яъни бадиий билиш билан боғлиқ) категория бўлса, услуб антропологик (яъни ижодкор шахси билан боғлиқ) категориядир. Бундан кўринадики, «метод» ғоявийлик ҳодисаси бўлса, «услуб» бадиийлик ҳодисасидир. Услуб ижодкорнинг ижодий индивидуаллигини белгилайди, ижодий индивидуаллик эса у яратган бадиий асарнинг барча сатҳларида намоён бўлади. «Услуб - одам» деган қарашнинг вужудга келиши бежиз эмас: асар ижодкор шахсини ифодалар экан, буни услубда намоён этади.

Бадиий услуб ҳар бир ёзувчи-санъаткорнинг, ҳар бир етук асарнинг, ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос барча хусусиятларини қамраса, бадиий метод муайян гуруҳга мансуб санъаткорлар ижодининг умумий ва муштарак барча белгиларини ўзида ташиди.

Адабий йўналиш тушунчаси метод ва услуб тушунчалари бивосита боғлиқ. Адабий йўналиш бадиий тафаккур тарзи, метод ва услуб кесишган нуқтада юзага келувчи тушунчадир. Муайян даврда яшаган бир қатор ижодкорлар яратган кўплаб асарларда типологик умумийлик мавжуд. Типологик умумийлик ҳаёт материални танлаш, уни бадиий идрок қилиш ва баҳолаш принципларида, асарларнинг бадиий шакл хусусиятлари, услубий жиҳатларига ўзини намоён этади. Адабий йўналиш адабий жараённинг, бадиий тафаккур тараққиётининг муайян босқичини назарий жиҳатдан умумлаштириш орқали унинг моҳиятини англаш имконини берувчи муҳим адабий-эстетик категориядир. Шуни ҳам унутмаслик кечарки, типологик умумийлик бир йўналишга мансуб ижодкорнинг ҳам ғоявий, ҳам эстетик жиҳатдан ўзига хослигини инкор қилмайди. Яъни, бир йўналиш доирасидаги арсарларда турлича идеалларнинг, дунёқарашнинг акс этиши табиий ҳодисадир. Маслан, романтизм йўналишига мансуб бўлмиш Байрон ва Гёте асарларида айнан бир хилликни излаш хато, улардаги яқинлик чуқур атламларда, ката ўлчовдагина намоён бўлади.

Демак, бир адабий йўналиш доирасида турли оқимлар кузатилиши мумкин. Зеро, адабий оқим адабий йўналишнинг бир кўриниши, ўзига хос бир варианты саналади. Адабий йўналиш ва оқимдан фарқли равишда адабий мактаб деганда, назарий жиҳатдан анланган ижодий дастурига эга бўлган, ташкилий тузилма сифатида шаклланган ижодкорлар гуруҳи тушунилади.

Адабий йўналишларни ажратишда рус адабиётшуноси Ю.Боревнинг тасинифига кўра ўтмиш адабиётдаги (мифологик реализм, ўрта асрлар символизми, уйғониш даври реализми, барокко, классицизм, маърифатпарварлик реализми, сентиментализм, романтизм, танқидий реализм) ҳамда XX аср адабиётдаги (реализм, социалистик реализм, сюрреализм, экзистенциализм, модернизм) йўналишларга ажратилиши мумкин.

Жаҳон адабиёти тараққиёти тарихидаги реализм ва романтизмни – ижод типлари, ижод йўналишлари, бадиий тафаккур типлари деб юритиш асослидир. Чунки уларнинг турфа хил кўриниш ва қирраларини турли хил даврлар рўёбга чиқаргандир.

Реализм (лот. *realis* – моддий, ҳақиқий) – воқеликни ҳаққоний, «худди ўзига ўхшатиб» ифодалашни тақозо этувчи ижодий метод. Рус адабиётшуноси В.Г.Белинский «ҳаётни бутун яланғочлиги ва ҳаққонийлиги билан айта тиклаш» деб реализмга таъриф берган.

Романтизм (фр. *Romantisme* - роман тилида ёзилган) бу методнинг бош хислати «идеалга мослаб ҳаётни қайта яратиш» (В.Г.Белинский) дир, яъни орзу қилинган воқеликни тасвирлашдир; уни гўзал ва мукаммал ҳаёт тарзида кўрсатишдир; ана шу ҳаёт қахрамонларининг афсонавий куч-қудратга эгаллигини, мўжизакорлигини идеаллаштиришдир.

Оқимлар:

Классицизм (лотин. *Classicus* - намунавий) – унинг вакиллари ўтмиш антик адабиёти намуналарини ўзлари учун ибрат намунаси деб санаганлар. Улар адабиётга ҳамма нарсалар аниқ ва қатъий қоида асосида тасвирланиши шарт деб тушунганлар ва эстетик қарашларини «уч бирлик»ка мослаганлар: асарда тасвирланаётган ҳодиса битта яхлит сюжетда гавдалантирилиши («ҳаракат бирлиги»), бир жойда бўлиб ўтиши («жой бирлиги») ва 24 соат ичида юз берувчи («вақт бирлиги») лозим бўлган. П.Корнелнинг «Сид», «Гораций», Ж.Расиннинг «Андромаха», «Британик», Молернинг «Хасис» сингари асарлари шу қоидаларга мувофиқ яратилган.

Сентиментализм (фр. *Sentiment* – ҳиссиёт, ҳис қилиш) – аклидрокдан ҳис-туйғуни устун қўйиш асида инсон шахсини, унинг ички дунёсини таҳлил этишга асосланадиган адабий оқим. Бу оқим 18 аср ўрталари (Англия)да феодализм сарқитларига қарши курашни, оддий кишиларнинг олийжаноблигини, калбини тасвир марказига олган.

Натурализм (лот. *Natura* - табиий) – ҳаётни ва инсонни «объектив» (ҳаётда қандай бўлса, шундай) кўрсатишга уринувчи муракка, зиддиятли адабий оқим. Наутрализм тарафдорлари тасвир объектига танқидий муносабатда бўлишни инкор этади; ҳаётни ҳис-туйғусиз ифодалашга, тўғрироғи, нусхакашликка, ҳаётдаги муҳим нарсаларни номуҳимларидан, табиийларидан нотабиийларидан, қонунийларини ноқонунийларидан ажратмасдан, икир-чикирлари билан айнан «объектив» кўрсатишга уринади. Улар учун воқеа-ҳодисаларнинг ички моҳияти, мағзи эмас, аксинча, ташқи жиҳатлари муҳимдир. Натуралистлар инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганишни асосий мақсад қилиб қўяди, бадиий асарни «инсон ҳужжати» сифатида талқин этади.бу методнинг асосчиси француз адиби Эмиль Золядир. Г.де Мопассан, П.Алексис, А. Доде, Г.Ибсен Г.Флобер ва бошқалар натурализмни ривожлантиришга ҳисса қўшдилар.

Сюрреализм (фр. *Surrealisme* - юксак реализм ёки реализмдан ҳам юксак) Францияда XX аср бошларида дунёшга келган. Ҳаёт воқеа-ҳодисаларининг моҳиятини, ички дунёни мураккаб рамз ва шаклларда,

кутилмаган образларда тасвирлашган. Сюрреализмда символизмнинг асосий ютуқлар, романтизмнинг кучли бўёқлари йиғилганлиги сабаб, фикр ва туйғуларнинг занжирли, рамзли, тагдор ва мураккаб қирралари кашф этилади. Анна Ахматова, Оскар Уайлд, Нозим Ҳикмат, Р.Парфи ва бошқалар.

Модернизм (фр. Moderni - замонавий) даставвал 19 аснинг охирида Францияда пайдо бўлган. Ҳаётни юзаки, айнан (натурализм) тасвирлашдан, уни этика ва эстетика чегарасидан чиқиб акс эттиришдан кўра воқеа-ходисаларнинг фалсафий моҳиятини, ички жараёнини тасвирлашни афзал билди. Ж.П.Сартр, А.камо, Ф.кафка, А.Жойс ва бошқалар.

## **2.2. XX аср бошларида адабий йўналиш ва оқимлар**

Жаҳон адабиёти тараққиёти тарихидаги реализм ва романтизмни — ижод типлари. ижод йўналишлари, бадиий тафаккур типлари деб юритиш ҳам асослидир. Чунки уларнинг турфа хил кўриниш ва қирраларини турли даврлар рўёбга чиқаргандир

Жумладан, классицизм (П. Комел, Ж. Расин), экзистенциализм (./фл« По Сартр, М. Пруст, Ф. Кафка), сюрреализм (Пол Элюар, Оскар Уайлд, А. Ахматова), танқидий реализм (Махмур, Муқимий, Л. Толстой, Ф. Достоевский). социалистик реализм (Ойбек, Ғ.Ғулом, М.Горкий) ва ш. к. романтизм реализм (икки дарё)ни метод деб юритиш ва бу кўринишларнинг ҳаммасини оқимлар (ирмоқлар) деб аташ, (икки дарёнинг бирикувидан туғилган ирмоқлар дея тасавур қилиш) маъқулга ўхшайди. Чунки оқимларнинг ҳаммаси ҳам ё реалистик, ё романтик тасвирлаш принципларининг қонуниятларига бўйсунди. Шу қонуниятларга таянганлари ҳолда, унинг ҳали тоиис англалмаган янги қирраларини очадилар, холос.

Янги қирраларни кашф этиш ва ифодалаш жараёнида муайян ўзига хосликлар ҳам юзага келиши табиийдир. Жумладан, реализмнинг ўзига хос биикўриниши — классицизм (лот. classicus — намуна, ибрат) ни кўрайлик. Унинг вакиллари ўтмиш антик адабиёти намуналарини ўзлари учун ибрат намуна [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси деб санаганлар. Улар адабиётда ҳамма нарсалар аниқ ва қатъий қоида асосида тасвирланиши шарт деб тушунганлар ва эстетик қарашларини «уч бирлик» камослаганлар: асарда тасвирланаётган ходиса битта яхлит сюжетда гавдалантирилиши («ҳаракат бирлиги»), бир жойда бориб ўтиши («жой бирлиги») ва йигирма тўрт соат ичида юз бериши («вақт бирлиги») лозим бўлган. П. Корнелнинг «Сид» («Саид»), «Гораций», Ж. Расиннинг «Андромаха», «Британик», Молернинг «Хасис» сингари гўзал, бетакрор асарлари шу қоидаларга мувофиқ яратилган.

**Классицизм** вакиллари «Адабиёт сарой ва шаҳар учун яратилиши керак» (Н.Буало) деб ҳисоблаганлар ва жанрлами табақалаштирганлар. Уларнинг эстетик тушунчаларича драма энг юксак жанр, комедия қуйи жанр ҳисобланган. Роман, қисса, ҳикоя жанрларига иккинчи даражали унсурлар деб қарашган. Кўпинча уларнинг асарларида инсон ҳаёти ва характерининг бир қирраси чуқур ва батафсил тасвирлангани учун, инсоннинг кўпқиррали характери тўлиқ гавдаланмаган...

Сентиментализм (фр. *sentiment* — ҳиссиёт, ҳис қилиш ) оқими XVIII аср ўрталари (Англия)да феодализм сарқитларига қарши курашни, оддий кишиларнинг олийжаноблигини, қалбини тасвир марказига олган. Чунки классицизм оқими кишиларнинг ички дунёси тасвирига етарли эътибор қилмаган, олий ижтимоий табақа ҳаётини бўрттириб акс эттирган ва адабиётни «уч бирлик» (ҳаракат, жой, вақт) қолипига солган эдилар.

Сентименталистлар классицизм қоидаларини, унинг қолипларини «буздилар». Ақл-идрокдан ҳис-туйғуни устун деб билдилар. Ўрта ва қуйи синф вакиллари ҳаётини, маънавий жиҳатдан етуқлигини, поклигини, бойлигини, одамийлигини чуқур тасвир этдилар ва ана шу жараёнда юқори табақа вакиллари дунёсининг тубанлигини, жирканчлигини фош этдилар. Инглиз Стеминг «Тристрам Шенди», Ричардсоннинг «Памела», фаранг Руссонинг «Янги Элоиза», рус Карамзиннинг «Бечора Лиза» асарлари бунинг исботидир. Сентиментализм оқими оддий қаҳрамонлар қисматини ҳар қандай китобхонни ач инти рад иган тарзда тасвирлайди. Хўрланган, ҳақоратланган, айбситилган қаҳрамонлар билан танишган ўқувчи қалбида «у ҳам инсон-ку, дунёга у ҳам бахт учун келган-ку! Наҳот инсонлар уларнинг кадру-қимматига эмас? Инсоният қачон биродарликка, комилликка эришади?» деган саволлар уйғонади ва қалбни изтиробга солади. Қаҳрамонлар ҳаёти ва қалбининг чуқур ва таъсирчан очилиши ачиниш туйғусини — инсонийликнинг зарур белгисини воқе қилади. Ф. Достоевскийнинг «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар», А.Чеховнинг «Уйқу истаги» ҳам худди шу йўналишда ёзилган бебаҳо асарлардир.

([www.ziёuz.com](http://www.ziёuz.com) кутубхонаси)

Шунинг учун ҳам XX асрнинг классиги Ч.Айтматов ёзган эди: «...Достоевскийнинг адабиётда айтган энг азиз ва умрбоқий сўзи, менимча, бераҳм ва орияқиз эксплуататорлар жамияти гирдобида азобу укубатга ботиб, бўғилиб ётган инсонга чексиз ачинишдан иборат бўлди. Оъша даҳшатли паллада рус ёзувчиси гуманистик адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан бирини — ахлоқий соғлом кишини тарбиялаш вазифасини жуда юқори кўтардики, шундай ачинишсиз инсон ҳақиқий инсон ҳисоблана олмайди. Ачиниш қобилятини Достоевский инсонийликнинг энг олий ўлчови даражасига ко тарди... Ва бугунги дунёда, атом бомбалари дунёсида, империалистларнинг босқинчиликлари бўлиб турган дунёда, ирқий муаммолар ва зўравонламинг жабрини тортаётган дунёда Достоевскийнинг хаяжонли бонги тўхтовсиз эшитилиб турибди ва инсонликка, гуманизмга чақираётибди. Унинг бутун дунёни тутган ачинишининг моҳияти, бизнингча, ана шундадир. Унинг абадий ва борган сари ортаётган шуҳратининг боиси ҳам шудир». (Таъкидлар бизники - Ҳ.У.).

Сентиментализм оқимига хос бўлган адабий асар тилининг — оддий ва соддалиги, ҳис-туйғулар дунёси тасвирининг чуқурлиги, раҳм-шафқат ҳам инсонийлик ўлчови эканлиги хусусиятлари ҳамон адабий жараёнда тирикдир.

**Романтизм** - Бу методнинг бош хислати «идеалга мослаб ҳаётни қайта яратиш» (В.Г.Белинский) дир, яъни орзу қилинган воқеликни тасвирлашдир; уни гўзал ва мукамал ҳаёт тарзида кўрсатишдир; ана шу ҳаёт қаҳрамонларининг афсонавий куч-қудратга эгаллигини, мўжизакорлигини идеаллаштиришдир. Эсхилнинг «Прометей», Софоклнинг «Шоҳ Эдип», Еврипиднинг «Элена», Навоийнинг «Хамса», Руставелининг «Ўйбарс терисини ёпинган паҳлавон» каби асарларида «одамларнинг қандай боМиши керак боМса, шундай тасвири» берилгани ҳам юқорида айтилган бош хислатни тасдиқлайди. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод реал шаҳзода образи эмас, балки Навоий орзу қилган ҳукмрон тимсолидир. У шаҳзода боМишига қарамай, ҳунар эгаллайди, илм-фанни чуқур ўрганади. Ёшлигиданоқ мўжизакор куч-қувватга эга боМади, минг-минглаб одамлар эплай олмаган ишларни бажаради. У тешаси билан арман тоғМ тошларини худди пичоқ сариёғни кесгандай кесиб, канал қазиди; Хисравнинг минглаб қўшини кўнглига ғулғула солади, уларга бир ўзи бас келади...

Романтик асарларда воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонлар бошқа тарихий давр ва мамлакатларга кўчириб тасвирланади. «Фарҳод ва Ширин» (А. Навоий) достонида воқеа-ҳодисалар аввал Чин (Хитой)да, сўнг Арман оМкасида юз беради. Фарҳод, Баҳром - хитойлик, Меҳинбону, Ширин - армани, Шопур, Хисрав, Шеруя — эронлик. Ҳолбуки, бу қаҳрамонлар характери, аъмоли, руҳи билан ўзбекларга тегишлидир, ундаги воқеа-ҳодисалар асосида Навоий даври ҳаётининг типик манзаралари аксини топгандир. Инсонийликни улугМаш, эзгуликни куйлаш, муҳаббат ва садоқатни юксак даражада мадҳ этиш, унга ишонтириш романтизмнинг энг характерли аломатидир. Унда ҳаётни жудаям кўтаринки руҳда, сеижило бўёқларга бой тарзда, [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси ёрқин ва нозик ифода этиш — хислатга айланади ва бу хислат китобхон қалбиниларзага солади. «Фарҳод ва Ширин»да тасвирланишича, Фарҳод оиимидан сўнг Ширин: «Мен унинг ҳажрида бемору бедилман, худди чала сўйилган қушдайман» — дейди.

Анинг ҳажрида мен бемори бедил,

Қушеменким , қилурлар ним бисмил .

Фарҳодни Армания тогидан келтириб, уни қучоқлаб, жисмига жисмин ва жонига жонин улайди. Юзини юзига, кўксини кўксига қўйиб ўз бедилини қучоқкига олади. Сўнг юрагидан алангали бир оҳ тортиб, унинг кўзи ҳам бирга ухлагани у билан уйқуга кетади:

Қўюбон рўй-баррў дўш-бардўш,

Бўлиб ўз бедили бирла ҳамоғуш .

Кўнгулдин шулалиқ оҳе чиқар ди ,

Кўзи ҳамҳобадек уйқуга борди.

Меҳинбону ва унинг ёнидагилар кажавага яқин қадам қўйиб бориб, пардани очиб санамни кўрдилар. У юзини юзига, кўксини кўксига бериб, Фарҳод билан ҳамоғуш ётар эди. Кўзи кўзининг устида, қоши қошининг

устида. Бирорта мўй ташқарида эканлиги колринмасди. Чексиз-чегарасиз айрилиқлар кетиб, унинг ўрнини бениҳоя висол эгаллаган эди. Ўлган ошиқ билан жонсиз маъшуқа сарв дарахти билан печак гулидай чирмашиб ётар эдилар. Маъшуқа ўз севгилисини маҳкам кучоқлаб ётар, севгилиси ҳам маъшуқасини худди шундай кучоқлаб ётарди:

Амори сори қўйдилар қадамни,  
Очибон пар да , ко" рдилар санамни  
Ки , Фарҳоди била ётиб ҳамоғуш,  
Қўюбон рўй-баррў дўш-бардўш.  
Кўзию қоши узра, кўзу қоши,  
Сари мў бўлмаин зоҳир таҳоши .  
Кетиб ул фурқати беҳадду ғоят,  
Бўлуб рўзи висоли бениҳояУ  
Ўлук ошиқ била маъшуқи бежон ,  
Нечунким сарв бирла ишқ печон.  
Кучуб ўз ошиқин маъшуқи маҳкам ,  
Нечунким , ошиқ ўз маъшуқини ҳам .  
[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Бундай ажиб ҳолатга — муҳаббатнинг бунчалик вафога, садоқатга йўғрилганини, поклиги ва гўзаллигини кўрган Меҳинбонунинг фиғони кўкка кўтарилди. Шу фиғон билан бирга унинг жони ҳам чиқиб кетди. Чунки Ширин унинг жони эди. Усиз ўлиши мумкин эди. Шу пайтда ундан ажралган эди, жонидан ҳам ажралди қўйди:

Чиқиб гар дун сори афғони онинг,  
Фиғони бирла чиқти жони онинг.  
Чу Ширин жони эрди, онсиз ўлди,  
Дамеким ўлди онсиз, жонсиз ўлди.

Кўринадик, инсон бекорга ва бир ўзи ҳеч вақт ўлмайди. Меҳру муҳаббат ришталари билан боғланганлар бирга яшайдилар ёки бирга рихлат қиладилар, бу вафонинг, садоқатнинг, инсонийликнинг, покликнинг, ниятнинг етуклиги натижасидир, романтик тасвиминг қудратидир. Романтик методнинг асосий хусусиятларидан яна бири ҳар қандай жамият (кулдорлик, феодализм, капитализм, социализм)нинг антигуманистик моҳиятини доимо фош этиш ва қоралашдир. Ижодда ва ҳаётда эркинлик, шахс озодлиги ва комиллиги учун курашдир. Бу хусусият ҳамма романтик ижодкорлар фаолиятида пафос даражасига кўтарилган, ўлмайдиган руҳ бағишлайдиган «ҳамма халқларда ва ҳамма замонларда умумий бўлган ходисадир» (В. Г.Белинский).

### **2.3. Реализм ва неореализм йўналиши**

Бадиий услуб ҳар бир ёзувчи - санъаткорнинг, ҳар бир этук асарнинг, ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос барча хусусиятларини қамраса, бадиий метод муайян гуруҳга мансуб санъаткорлар ижодининг умумий ва муштарак барча белгиларини ўзида ташийдир. Бу хусусият ва белгилар ҳаёт материални танлаш, умумлаштириш, баҳолаш, акс эттириш борасидаги

умумийлик ва айни пайтда, ана шу умумийликнинг якка шахс (ёзувчи) таланти, қудрати ила «пишиб этилишидир». Кўринадики, гарчи услуб ва метод бир бирига ўхшамасада, лекин улар бирлашганда, бир-бири билан чатишганда воқе бўладилар, ана шундагина улар яратиш хислатига, таъсирдорлик фазилатига, гўзалликни бунёд этишга қодирлик касб этади.

Бундан кўринадики, бадиий асар яратилганиданок, услуб ҳам, метод ҳам туғилади. Назарий адабиётларда датсаввал, романтизм, кейинчалик ёки тўғрироғи XIX асрга келиб реализм дунёга келди деган тушунчани рад этади. Демокчимизки, услуб ва усул (метод) адабиётнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда туғилади. Фақат адабиётнинг ривож, камолот саин ўсиши, ғоявий бадиий кашфиётларнинг умумлаштирилиши ва сабоқларига боғлиқ ҳолда услуб ҳам, усул ҳам турфа хиллик касб этади. Жамият тараққиётидаги ўзгаришларга жавоб тарзида усул ҳам, услуб ҳам янгича сифат касб этиб, баҳор янглиғ қайта туғулиб бораверади.

Ҳар бир йилнинг ўз баҳори бўлганидек, ҳар бир ёзувчининг ўз услуби ташида, қобилида метод вазифасини ўтайверади.

**Реализм (лот. *gealis*- мавжуд, ҳақиқий)**- адабиётшуносликда реализм термини тор ва кенг маъноларда қўлланади. Кенг маънода реализм термининг маъноси бадиий асар (унда тасвирланган бадиий воқелик) билан реал воқелик муносабатидан келиб чиқади. Яъни бу ҳолда реализм умулмететик тушунча бўлиб, ҳаётни ҳақиқатга (реалликка) мувофиқ тасвирлашни, ҳаёт ҳақиқатини билдиради. Ҳар қандай бадиий асарда воқелик у ёки бу тарзда акс этиши, воқеликни ҳаётга монанд тарзда акс эттириш эса қадимдан мавжудлиги эътиборга олинса, бу маънодаги реализмнинг илдизлари жуда қадим замонларга тақалиши табиийдир. Шу боис ҳам адабиётшуносликда антик реализм (ёки мифологик реализм), уйғониш даври реализми, маърифатчилик релизми каби атамалар ишлатилади, табиийки, бу маънодаги реализм классицизм, сентиментализм каби йўналишларга ҳам хосдир. Демак, бу маънода реализм термини ҳаётни бадиий акс эттириш принтсиплари, бадиий тафаккур типини англатади.

Тор маънода реализм ҳаётни ҳақиқатда мавжуд нарса-ҳодисалар моҳиятига мувофиқ тарзда, воқеликда мавжуд фактларини типиклаштириш асосида яратилган бадиий образлар орқали акс эттиришга асосланувчи ижодий метод ва онгли равишда шу методга таянган адабий йўналишни билдиради. Ушбу метод (йўналиш)нинг майдонга чиқиши XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Реализм методида адабиётнинг билиш функтсияси утсувор аҳамият касб этади, релитс ижодкорлар адабиётни олам ва одамни (жумладан, ўзини) идрок этишнинг муҳим ва самарали воситаси деб биладилар. Шунга кўра, реализм ҳаётни бутун мураккаблиги билан кенг кўламда акс эттиришга интилади. Билиш мақсадининг утсуворлиги боис реализм инсонни ижтимоий муҳит билан узвий алоқада тасвирлайди, ижтимоий-тарихий шароитнинг инсон тақдири ва феъл-атворида таъсирини теран бадиий тадқиқ этади. Зеро, реалитс санъаткор инсон тақдири, унинг амаллари, орзу-интилишлари ижтимоий асосга эга деб билади, буларнинг

барини ижтимоий-психологик жиҳатдан асослашга интилади. Айни чоғда, этук реализм адабиётида инсон ижтимоий шароитга боғлабгина қўйилмайди, инсон ўз ирода кучи билан ундан юқори кўтарила оладиган, унга қарши тура билладиган куч сифатида ҳам кўрсатилади. Худди шу жиҳати билан реализм натурализмдан фарқланади, ҳаётни унга қараганда теранроқ ва ҳақонийроқ акс эттира олади. Инсонни мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида тасвирларкан, реализм ҳаётни кенг кўламда тасвирлашга эришади, жамиятнинг жорий ҳолати, ундаги тараққиёт ёки таназзул тенденцияларини бадиий идрок этади, у ҳақида ўзининг бадиий ҳукмини ифодалаб, адабиётнинг контсептуал функсиясини амалга оширади. Айни чоғда, реализмни ҳаётдан оддийгина нусха кўчириш (к. натурализм) деб тушунмаслик керак. Зеро, ижодий метод сифатида реализм ҳам воқеликни ижодий акс эттиради, ижодий қайта яратади. Реализм адабиётидаги ижодий қайта яратиш типиклаштириш, яъни воқеликнинг муайян давр ва муҳит учун энг характерли жиҳатларини умумлаштириш орқали амалга ошади. Бироқ бу ҳол ижодийликка зид деб тушунилмаслиги керак, зеро, реализмдаги типиклаштириш бадиий тўқимани асло инкор қилмайди, фақат унинг ҳам воқелик моҳиятига мувофиқ бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга, Реализм тараққиёти давомида, хусусан, XX аср Реализмида бадиий шартлилик (рамзий образлар, ривоятлар, фантастика элементлари ва ш.к.)нинг турли кўринишлари ҳам кенг қўлланила бошлади. Мазкур ҳолга реалистик тасвир принтсипларидан чекиниш деб қарамаслик керак. Аксинча, бу реализм адабиётининг ҳаётни теранроқ идрок этиш, ўз бадиий имкониятларини бойитиш йўлидаги ҳаракати, унинг адабий жараёндаги бадиий-эстетик ҳодисалар (турли адабий йўналишлар, оқимлар, янги услубий оқимлар, тасвир принтсиплари ва б.) билан ижодий рақобат-мулоқоти натижасидир.

XIX аср ўрталаридан майдонга чиққан реализм метод (йўналиш)и шўро адабиётшунослигида танқидий реализм деб, шўро адабиётининг методи эса социалистик реализм деб юритилган. Ҳар икки терминнинг илмий муомалага кириши ҳам М.Горкий номи билан боғлиқдир. Булардан биринчиси танқидий реализм деб атаркан, М.Горкий бу давр реалистик адабиёти намуналарининг аксарияти мавжуд буржуа тузумидаги ижтимоий муносабатларни теран таҳлил этиши ва унинг инсонийликка зид моҳиятини очиб бериши ҳамда ғоявий-бадиий инкор қилишидан келиб чиқади. Иккинчиси, яъни социалистик реализм ҳам худди шу каби ғоявий-мафкуравий асосда таърифланган, у воқеликни марксча-ленинча дунёқараш асосида баҳолаши билангина фарқланади. Холбуки, биринчидан, ижодий метод сифатида реализм моҳиятан битта ҳодиса бўлиб, унинг доирасида турлича дунёқарашлар ифода этилиши мумкин; иккинчидан у ўз тараққиёти давомида сифат жиҳатидан ўзгариб-такомиллашиб, ўзининг тасвир ва ифода имкониятларини мутассил бойитиб борган.

Реализм. Бу методнинг бош хислати - «Ҳаётни бутун яланғочлиги ва ҳаққонийлиги билан қайта тиклаш» (В.Г.Белинский)дир. Бу қонуният -



адабиётнинг туғилишиданок пайдо бўлган бўлиб, унинг тарихий ривожланиш тараққиёти давомида тўхтовсиз тарзда сайқаллашди, янги-янги хусусиятлар дунёга келди, тобора бойиб такомиллашишда давом этмоқда. Романтизм билан доимо баҳслашиб, уни ҳам бойитиб, ундан ҳам рух олиб биргалашиб «бир мақсадга этаклашда» (В.Г.Белинский) мусобақа қилмоқдалар. Тўғри адабиёт тарихи давомида романтизмнинг ҳам, реализмнинг ҳам барча оқимлари ҳамма вақт ижобий натижаларга олиб келган эмас. Жумладан, натурализм оқими - ҳаётни ўта яланғоч ва бутун тафсилотлари билан икир-чикирларгача тасвирлаш орқали таъсирдорлик хусусиятини муайян даражада йўқотган бўлса, сентиментализм оқими ҳаётни тасвирлашда ақл-идрокдан хис-туйғуни утсун билди, унинг мусаффолигини ягона мезон даражасига кўтарди хўрланганлар, жабр дийдалар, жафокашлар бахтсизлар, ночорларнинг идеал образларини яратдилар ва шу билан ҳаётни бош локомотиви - курашчанликдан, яратишдан маълум даражада узоқлашдилар.. Бундай ҳолат табиийдир, изланиш, ўсиш тараққиёт йўлидаги ютуқлар ва камчиликларни бўлишидир. Романтизм ва реализм кудратининг турли даражадаги (гўё денгиз кудратидан ҳосил бўлган улкан) ҳаётбахш ёки ҳалокатли тўлқинлардир.

Гуманизм, эркин ва озод ҳаёт, бахт ва тинчлик учун кураш - инсонийлик романтизмнинг ҳам, реализмнинг ҳам байроғидир. Фақат реализм инсон ва жамият ҳаётини реал (аниқ) ва ротс тадқиқ этиш йўлидан борди. Реализм «кишиларнинг ҳаракатлари ва ҳислари эхтиросларнинг ёки илоҳий ироданинг оқибати эмаслиги, балки улар реал сабаблар, аниқроғи, моддий сабаблар билан тайин этилишини тушуна бошлаган пайтда пайдо бўлган». Бу тушунча энг қадимги давр кишиларида (Неандартал одамларда) ҳам бўлганини фан исботламоқда. Тарихда шахс ва жамият орасидаги ижтимоий муносабатларни бугунгидек бадиий таъсирчан ва ҳавроний (социал ва психологик детерминизм (шартланганлик)ка асослангани ҳолда) акс эттириш даражаси бўлмаганлиги аён, лекин, айна пайтда, бугунги даражанинг юзага келишида ўтмишдаги реализм пойдевор бўлгани ҳам ҳақиқатдир. Бобур, Махмур, Турди, Муқимий, Фурқат, А.Қодирий, А.Қахҳор, П.Қодиров, О.Ёқубов, М.Мухаммад Дўст, Т.Малик, Т.Мурод каби ёзувчилар ижоди ҳам уларнинг шу соҳа бўйича сабоқлардаги ворислик ҳам исботдир.

Реализмнинг ўзига хос принципларидан яна бири - ҳаёт воқеа ҳодисаларнинг ҳаққоний детал ва тафсилотлар воситасида типик характерларни типик шароитда тасвирлашдир. Ана шу тасвир асосида кишилик жамияти тараққиёти учун муҳим бўлган ижтимоий-маънавий муаммолар туриши, улар бадиий умумлаштирилиши, типиклаштирилиши зарур. М.Горкий жаҳон адабиётида яратилган бадиий образлар хусусида шундай ёзади: «Мана шу санаб ўтилган одамлар турмушда бўлган эмас аммо уларга ўхшаш кишилар ҳаётда бўлган ва шу борлари ҳам анча майда бўлиб, у қадар мукамал бўлмаганлар, айрим ғиштлардан минора... ясалгани каби, мана шу майда, чакана кишилардан сўз санъаткорлари умумлашма типларини, турдош типларини яратганлар, «тўқиганлар». Шундай «тўқима»

натижасида биз энди ҳар бир ёлғончини Хлетсаков, хушоматгўйни Молчалин, иккиюзламачини Гартюф, рашк қилувчини Отелло ва ҳоказо деб атаёмиз» (М.Горкий, адабиёт тўғрисида. 72-бет).

Кўринадики, реалитс-санъаткор ҳаёт қарида ётган ҳақиқатни кашф этувчи унинг кўп қиррали ва қарама-қарши томонларини рўйиротс очувчи, уни тадқиқ таҳлил қилувчи хислатга эга бўлиши керак; ҳаётнинг объектив манзарасини холис тасвирловчи ёзувчи бўлиши лозим. Бу - реализмнинг бош талаби, унинг моҳиятидир. Ҳаётга яқинлигининг, романтизмга тескарилигининг яққол кўринишидир.

**Неореализм** 20-аср 40,50- йиллар ўртасидаги кино ва адабиётидаги йўналиши, реализмнинг янги шакли бўлиб, 1939-1945 йиллар 2-жаҳон урушидан қийин вужудга келди. Неореализм учун антифашистик кайфиятда халқчил миллий санаът учун кураш тўғри келди.

Неореализмнинг тарихий илдизи Италияда ривож топган. Мустақиллик ҳаракати ва демократик ғояларни тарғиб этишга бориб тақалади.

Неореализм-Италия адабиётида, назарий машғулотларда, совет ва италия киномотаграфияларининг филмларида ва шижоаткор француз режиссёрларининг ижодида алоҳида ўрин эгаллаган.

Тенглик руҳи билан бойитилган Неореализм қаҳрамонларни оддий халқ орасидан, олий инсоний туйғуларни ўзида мужассам этган миллат ва жамоат учун фидойий одамларни кўрсатиб беради.

Неореализмнинг асосий тематикаси-фашизм сафсатабозликка, уруш қаҳрамонлари ҳаёти, ижтимоий адолат курашчилар ва қурбонларини кўрсатиб бериш.

Неореализм - шавқатсизлик, адолатсизликка қарши чиқиб, ижтимоий ҳаётда оддий шахс қадриятларини сақлаб қолиш каби асосиз муаммоларни кўтариб чиққан. Неореализм, айниқса, Италия киносидо намоён бўлди. Ч. Дзаватгина Неореализми - эстетик асосларини киносанаътида, ўзининг сценарийларида кўрсатиб берган.

Неореализм режиссёрлари тасвирни янада яхшироқ ифода этувчи воситаларни қидиришган. Кинонинг сезиларли даражада ўзгаради. Неореализм асарлари ўзининг тафсилотлари аниқлиги ва оддийлигига интилиши билан бошқа йўналишлардан ажралиб туради. Неореализм оддий халқ қийин турмуш тарзини деярли документал кўринишларда ифода этган. Филмлар ҳаққоний, ҳеч қандай ортиқча гўзаллик йўқ бўлган. Айниқса фашизм даврига баландпарвозлик акс эттирилмаган. Картиналар асосан оқ-қора рангда. Табиат қўйнида, кўча қўйда, очиқ ҳавода ва профессиянал бўлмаган актёрлар ижроси билан суратга олинган. Сценарий негизида баъзан газета хроникаларида келтирилган фактлар ётарди. Диалогларда бўлса халқ тилдан ва маҳаллий шевадан кенг фойдаланилган. Бир қатор филмларда бўлётган воқеалардан хабардор этиш учун диктор гаплари киритилган. Буларнинг барчаси филмларга ўзига хос ишонч касб этган.

Италия Неореализми ва постнеореализмининг мукамаллиги 50-60 йиллар ярмида Федерко Фелинни Микеланжело Антониони, Перо Паоло

Пазолини, шунингдек олдинги киноусталари Роберто Росселлини ва Лукино Висконтилар томонидан яратилган асарлар бутун дунё киноматографиясига сезиларли таъсир ўтказган ва хулоса қилиб айтганда унда техник ва шаклан янгиликлар диярли киритилмаган бўлса ҳам улар катта таъсир кўрсатади. Балки бу йўналишларда „ Реалликка ишончъ тушунчасининг эстетик асослари кучли сингдирилганди.

Неополистар сўзлашувда аниқ оддийликка интилишган. Шунингдек улар гапларини кўпроқ бадий шаклда ифода этишган. Бу эса оддий халқ тилига қоришиб кетади. П. П. Пазолинининг поэзияларида ҳам шаклбозликка қаршиликни кўрамаиз.

50-йиллар ўрталарида Неореализмнинг усуллари торлик қилингани сезилди. У масштабли ва зиддиятли муаммоларни янги воқеаликда кўришга ожизлик қилди.

Реализм замонавий италия кино ва адабиётида Неореализм миқёсида жиддий бадий ва ғоявий вазифани бажарди.

Неореализм жиддий эстетик ва ғоявий масалани ҳал қилди. Бу ҳам бўлса-Италия санаътининг муаммо ва манфаатлари доирасида халқ турмуш тарзи мавзусига кўпроқ аҳамият қаратиш.

Шундай қилиб, Неореалистлар асар марказига халқдан чиққан инсон образини кўяди, шавқациз дунё олдида инсонийлик шарафини ҳимоя қилишди, аниқлик ва ҳаққонийлик йўлида шаклни мураккаблашишидан воз кечишди. Реалистик кино тамойиллари ва усуллари адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Неореализмнинг адабиётдаги ютуқлари Э. Де Филиппо, П. П. Пазопини, Д. Родари, А. Моравиа ижоди билан боғлиқ. 1960-йилларда бу ёзувчилар неореализмдан чекинишди. (Б. Проталини, С. Квазимодо, А. Моравиа, И. Каловина). Улар неореалистик санаътини тор эмпиризм (фақат ҳаёт тажрибаси, умумлаштирмасдан) асосланганлигини инкор этишди. Ва адабиётнинг таҳлилий имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилишди. Буларнинг ичида Гуерра ижоди алоҳида аҳамиятга эга. У филмни филмларини қатор сценарийлари сўнг новеллаларга, миниатюраларга муаллиддор. Бу асарларда оддий кундалик ҳаёт ходисаларга шоирона афсонавий тус беради.

Шу адабиёт вакилларида Пратолини ижодига тухтаймиз.

**Васко Протолини** (1913-1991) Италиян неореализмининг энг кўзга қурунган намоёндаси. 1938-йилдан асарларини чоп этади. Қаршилик ҳаракатида иштирок қилади. Энг аҳамиятли асари, „ Бегона ошиқлар ҳақида қиссаъ (1947). Асарда оддий италиянликлар образлари, уларнинг кундалик ташвишлари, ҳаётга булган муносабати, қаршилик ҳаракатини аъзоларини қаҳрамонлик фаолияти курсатилган.

Романда Флоренциянинг кичкина кўчаларидан бири - Биа дел Корно кўчасида яшовчилар тақдири кўрсатилган. Улар ўз ташвишлари, севгилари бахт изланишлари билан яшайдилар. Асардаги ходисалар 1920-йилларда ҳукмга фашистлар келган даврда руй беради. Романнинг энг ёрқин саҳифалари Коррадо исмли темирчи фожиаси билан боғлиқ. Унинг лақаби

Магисте . У фашистлар чиқиш тайёрлаётганини билиб, уни номини “Апокалипсис” деб қўйилган, яъни „Қиёмат куни”, бу тўғрисида хатар борлиги тўғрисида таниқли сиёсий арбобларга этказди ва фашистларни қурбони бўлади.

Ёзувчини бошқа асарлари: “Магадзини кўчаси” (1941), ”Маҳалла” (1945), „ Метеллў” (1955) 1960-йилларда у неореализмдан чекинади.

Проталини ижодига ижтимоий ёвузликни фаош қилиш ва лиризм(шоирнолик) хосдир. Бу неореализмни асосий хислати.

Неореализм адабиёти реал воқеяликни ҳаққоний тасвир этишга, бадиий маҳорат учун янги ифодавий-тасвирий воситалар топишга, содда ва аниқ адабий тил ишлатишга интилишди.

Шу даврда адабиётларда бир ташвишли ҳиссиёт пайдо бўлди, у ҳам бўлса инсон тақдири ва шу тақдир учун маълумот сезиш, унинг яшаши, истиқболи учун маъсулият сезиш. Истеъмол жамияти инсонга аслий маънавий ва эстетик (ҳақиқий гузаллик, адолат, эзгулик масалаларга муносабат) қадриятларни йўқ қилишидан уларда қурқинч пайдо бўлди. Унинг оқибатида асарларда „Кўнгил бўшлиғи”, „Абсурд” “Одамовилик,, „Ўқинг”, „Гурбат”, “Узлат” каби тушунчалар пайдо бўлди. Буларни „XX аср касали” деб аташди ва улар модернизм адабиётида ёрқин ифодаланган. 50-йилларда бу масала кучайиб, реализм ва модернизм тарафдорлари орасида адабий кураш кучайди.

**Алберто Моравиа** 28-ноябрда 1907-йил. Римда тўғилган. Касаллиги туфайли уйда таълим олди. Фақат 17 ёшида фаол ҳаётга қайтди. Демак, бу омил унинг ижодий шаклланишида катта аҳамият касб этди. Чунки, у маданиятга ўз устида ишлаш, ўқиш йўли билан ёндошди.

У бой рим архитектори оиласида тўғилди. У яхши билган буржуа муҳити ижодининг тасвирида асосий мавзулар кулами бўлиб хизмат қилди.

Моравианинг биринчи романи „ Лоқайдлар” бўлиб унда буржуазиядан чиққан зиёлининг онгини ўзига намоён бўлади: „Одамовийлик”, ёлғизликъ, Моравиа табиати буйича ахлоқий тамойилларга эътибор берадиган ижодкор эди. Шунинг учун шундай „Гурбатлик” асарида инсон муаммосига алоҳида эътибор беради.

Романининг „ Лоқайдлик” мавзуси китобнинг унвонида кўринади. Аммо мақсад инсоннинг психологиясини кўрсата туриб Моравиа модернистлар каби ҳамма нарсани инкор қилмайди. У гурбатликни кўрсата туриб унга ҳаётбахшлик ва ахлоқий собитликни таъкидлайди ва зид қўяди.

„Лоқайдликлар” ҳаракати буржуа оиласининг тор муҳитида намоён бўлади. Лео, Марияграссиянинг икки болалик аёл бой ўйнаши унинг Карла исмли қизини ҳам йўлдан уради. Бошқа одамни оиласини бузиб , икки аёлни йўлдан уриб, фитнага сабаб бўлганлиги Карланинг акаси Микелсга ёқмайди. Лекин у жуда лоқайд , ахлоқий қоидаларга бефарқ қарайди.

Вазият босими унинг Леога қарши чиқишга мажбур қилади. Романининг эчими ёш қаҳрамонларнинг ҳаётини ўзгартирмайди. Лео Карлага уйлашади, аммо Карлани ҳаёти ҳам онасиникидек рангсиз, ёлғонликда кечади.

Уларни барча муҳити шунақа лоқайд. Романда асосий вазифани Микелс образи кутаради. Йигит бир тамондан такаббурлик касалига дучор бўлган, иккинчи тамондан „Лоқайд касали“га унинг лоқайдлигини оқибати-иккиланиш, жуътасизлик, беқарорлик ҳислатлари. У ҳаётининг бемаънилигини кўради, ўзини устидан кинояли кулади, аммо у ғазаблана олмайди, исён ҳам кўтармайди. Кураш ҳам кўлидан келмайди. Унинг Микелснинг қисмати-ғурбатлик, руҳий маънавий ёлғизлик.

Микелс фақат ўз муаммолари билан машғул, у онаси ва синглиси уртасидаги фарқни кўрмайди, Карланинг руҳий инқирозини сезмайди. Онаси эса Леога ўхшаган худбин. Унинг ёду-фикрида фақат ишқий саргузаштлик. Ёлғончилик унинг терисига тез тегига ёпишган. У доимо мунофиқлик ҳолатда юради. Болалари баҳсларида ундан устун келмаса ҳам, онасига мутлоқо лоқайд ва ҳатто болалик муҳаббатини ўзларида онага нисбатан сезмайди. Муаллиф асар боёнига фаол аралашади, ўзининг салбий муносабатини яққол билдиради, сўнг ижодида тараққиёт руй беради ва у психологик тафсифга утади. „Лоқайдларда характерлар ривожини кўринмайди, персонажлар раиси бошида қандай бўлса шундай қолишади, хулқи-атвори ўзгармайди. Лео хотиржам ёвузлик ва маразлик ҳислатлари, онани рашқ қилиши ва жанжал кўтариш, Карлони исёни ва ғазабланиши, кийин таслим бўлиши, Мекеленинг лоқайдлигини энгиб Лео билан уруш қилишга ҳаракат қилиши ва эфлаёлмаслиги, „Лоқайдлар“ Маравиа ижодий йўлида биринчи босқич. У ижтимоий иллатларни фош қилади. У бой табақалар ишларини маънавий заифлигини кўрсата олди.

Вақт ўтиши билан Маравианинг шу оламга бўлган қаҳри камаймади, балки кучайиб сатирага айланди. Ёзувчи лоқайдларни уларнинг худбинлигини кечира олмади.

Фашизм Маравиа кўнглида аччиқ из қолдирди бу антифашистик кайфият йиллар ўтиб ошиб борди.

Маравианинг сўнги роман ва повестларига Груст Кафка ижоди таъсир қилди. 30-йиллар ижодида модернизм ва реализм тамойиллари уйғунлашади.

“Ёлғон даъватлар” романида буржуа зиёлиларининг қурқоқлиги ва ёлғонга мойиллигини, маънавий заифлиги у ҳаётга чирмашиб мослашиш ҳислатларини ўзи учун кашф этади.

30-йиллар ўртасига бориб Маравиа ижодида тушкунлик, ишонмаслик, яъни инсон имкониятларга ишонмаслик кайфияти кучаяди. У фалсафий-сатирик ҳикоялар ёзади. Улар сўнг „Вабўъ тўпламига киришади. Буларда ижтимоий ҳажв унсурлари кўп учрайди. Муаллиф фашистлар мафкурасини ёмонлаш учун алкогорилга мурожаат қилади. Масалан: „Бабода“ фашизм рамзи-бу ғалати ҳиддир. У бемор бошидан тарқалади. Бу бадбуй хид касал учун хушбуй хидга айланади.

Юз йил утгандан кийин бутун миллат хидлаш имкониятини юқотади. Фашизм бадбуйлигидан офтоб нажот тополмайди. Антифашист кишилар туфайли Маравиа Италиядан чиқиб Францияда яшайди.

30-йилларда Фрайд маълумоти билан қизиқди ва уни инсон мавжудлиги фалсафаси сифатида қабул қилди. Бу маълумотда инсон шахсий ва ижтимоий ҳуқ-атворнинг асоси -жиноий муносабатлардир.

1940- йиллар „ Маскаро” номли ҳажвий роман ёзди ва Муссолиликни устидан ҳажв қилиб кулди. Ундан кийин ватанига қайтиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Урушдан кийинги ижодида ахлоқий масалалар янада кучайди, сиёсий тамойиллар, демократлашишга мойиллиги ошади, ҳаётбахш кайфият пайдо бўлди.

Неореализм ижодига янги мавзулар олиб кирди. Фалсафийлик бироз кучайди.

1947-йил „Рим аелиъ романини яратди. Аёл Андрияна ўз ҳаёти тўғрисида баён қилади..у ўз ўзини тушинишни хоҳлайди. У фоҳиша бандит ва безори Сонсонёни ҳам севади, ҳам нафратланади. Ҳуқуқ факультети талабаси, Қаршилиқ ҳаракати аъзоси Жакома билан танишиши уни ҳаётини ўзгартиради. Андрияна уни севиб қолади, аммо икки хуштори ҳам ҳалок бўлади. У фарзанд кутади, уни Жакома оиласи тарбияга олади. Андрияна эса бутунлай ўзгаради, энди у бамисоли, поклик йўлига утади.

Бандит Сансоно кучли шахс, унинг образида шафқатсизлик ҳаёт фалсафаси мавжуд. Унинг образи орқали, „Жиноят ва жазў темаси ўз ифодасини топган. (Датолвскийни эсланг).

Жакомо эса лоқайдлик касаллигига дучор бўлади, мафкуравий асосини йўқотгандан сўнг ўз жонига қасд қилади.

„Корформист” (1951) романининг қаҳрамони нафақат муҳитга мослашади балки фашистлар тизимига ҳам мослашади.

Яъни „Корформистлик”нинг ҳамма нарсага мослашиши жиноятга ҳам олиб келади.

1953-йил Алберт Маравианинг „Рим ҳикоялари” биринчи китоби нашр этилди.

1959-йил иккинчи китоби нашр этилди. Боккоччо, маърифат даврининг 14-анъаналари тикланади, қисқа, воқеабанд новелла кутилмаган хотима билан тугайди.

Бу новеллалар учун яхлит мавзу мавжуд: Меҳнаткаш Рим шахрининг ҳаёти қисқа лавҳалар орқали кўрсатилади. м Меҳнаткаш одам -ёлғиз, „Кичкина одамъ тимсоли.

Маравиада янги қаҳрамон пайдо бўлди. Бу шаҳарда йигит такси ҳайдайди, ёки сотувчи, ёки идиш ювади ёки иш излаб юради. Муаллифни Неореализмга яқинлиги ёзувчини оддий инсонга мурожаат қилишида ва айниқса маиший кундалиқ ҳаётни аниқ кўрсатишда ифодаланади. Лекин, неореализм танқидий реализмдан фарқин ўлароқ ҳамкорлик мавзусини кутармайди.

Маравианинг ҳажвий ҳикояларида лирика (шоирхонлик) мавжуд. Баён кўпинча биринчи шахс номидан кетади. Арзимаган ҳодисалар бўлса ҳам руҳнинг жуда кўзга илинмаган характерлари кўрсатилган.

„Ромул ва Ремў” ҳикоясида армияда хизмат қилган, энди Релло ишсиз, Ромул бир кичкина даромадсиз кафени эгаси. Ремо Ромул кафесиди овқатланади,бу эрда камбағаллигини кўриб қочади, Пеммо эган овқати учун тўламайди. Улар орасига адоват тушади.

Қашшоклик мавзуси „Черков ўғрилари” ва „Чақалоқ” номли новеллаларда ҳам ёритилган. Биринчида ақлдан озган, яъни ночорликдан ақлдан озган аёл Черковда сақланаётган қимматбаҳо буйинга тақиладиган маржонни ўғирлайди ва уни Мадоннани ўзи (Исо пайғамбарнинг муқаддаслашган онаси) берганини таъкидлайди.

Иккинчи „Чақалоқ” ҳикоясида энди тўғилган боласини ночорликдан бировларга ташлаб кетишади. Аммо охириги дамда оналик меҳри устун келади.

1957-йил Маравиа ”Чегара” романини тугатди. Қаҳрамонни Чезира тоғли Чегарадан Римга келади. У кучли,ақл-заковатли ,фаол ва ахлоқий собит аёлдир. Унга зид қилиб қизи Розетта кўрсатилган. У ҳақиқий Рим қизга айланган: нозик, руҳан ожиз,тез кўнглига оладиган қиз.

Чезира ва Розеттанинг уруш йўлларида кезиб юриши -бу асар сюженинг асоси. Композиссияда энг муҳими-қарама-қаршилиқ - аёл ва уруш. Чезира нафақат урушдан кўтилади. У ундан умрбод нафратланади. Уруш уни уй-жойидан жудо қилди, бор-йўгини йўқотди.,қизига бахтсизлик олиб келди. Аммо аёл эзгуликдан умидини узмайди,яхшилиққа ишонч сақлаб қолади. Романда қишлоқдан чиққан талаба образи ривож топган. Унинг исми Макеле Феста, у антифашист. Асар қаҳрамони Чезирани ҳам антифашистлик ҳаракатига бошлайди. Маравиа асарида биринчи маротаба зиёли интеллигент халқдан чиққан инсон билан мулоқотда бўлди.

Бу романда (“Чочора”) уруш-бу бутун инсониятга қарши жиноятдир. Унда „Лоқайдлик” мавзуси йўқ, баён қилувчи қаҳрамон аёл ҳассос инсондир, ўз мулоҳазаларида у қатъий.

50-йиллар ўртасидан Маравиа кўпроқ бойиб кетаётган буржуа жамиятида ва зиёли образларида ахлоқий бузилиш мавзусини кўрсатди.

70-йиллар арафасида ёзувчининг оилавий романларида ижтимоий-сиёсий аспект яққол сезилиб борди.

Ёзувчи мунофиқликка, айниқса ахлоқий сафсатабозлик билан ахлоқий бузуқликни ямон қоралайди, айниқса ахлоқсиз буржуа зиёлларини танқидга олади. „Жиноятъ”(1970), „Ух, сен” каби ҳикоялар силсиласида у бой Италия аёллар образини тасвир этади. Улар пул қуллари,мунофиқ муносиб амаллар, ёлғонлик қуллари,улар инсоний ҳиссиётларни йўқотган,улар орасида ёлғон, мунофиқлик, кўзбуямачилиқ гуллаб яшнаган.

„Мен ва у” громек романида , Маравиа ёш кино режиссёрлик кўрсатади, у ўзини буржуазияга қарши исёнчи деб билади, аммо у кўрқок, бировларни пулига яшайди, инқилобчи сифатида у фақат уйин қилади.

Шундай қилиб Қаршилиқ даврида вужудга келган. Неореализм, урушда кийин ҳам аҳамиятли бўлди ва адабиётга катта таъсир кўрсатди.

Унинг ёрқин номоёндаси Маравиа ижодий жараёнда ёзиш техникасини бир неча бор ўзгартирди. Унинг услуби содда. У жамиятни руҳий ҳолатини кўрсатди. Унинг адабиётидж инсон марказда туради. Инсон табиати буйича инсонпарвардир, ва ижтимоий тизим билан доимо зид бўлиб келади.

### МАВЗУ № 3

**Турли миллий адабитларда образ, персонаж,**

**характер, типларни қиёслаш**

#### **Режа:**

1. Образлилик- бадиийлик.
2. Бадиий образ ва унинг асосий хусусиятлари.
3. Образ, персонаж, характер, тип.

Бадиийликнинг моҳиятини белгиловчи нарса образ ва образлиликдир.

Образ эса борлиқни, инсон руҳиятини муайян шаклларда тасвирлаш ва ифодалашдан иборат. Образлилик – адабий ижоднинг моҳиятини, умумий хусусиятларини: адабий қаҳрамон, бадиий тил, табиат, буюмлар, жисмлар, нарсалар, ҳайвонот дунёси тасвири ва ҳақозоларни ўз ичига қамарб олади. Образ – санъат асаридаги инсон тасвири. Демак, образлилик – кенг маънода, бадиий образ – тор маънода қўлланилади. Образ атамасининг кенг ва тор маъноларга эга. Кенг маънода қўлланилганда образ тушунчаси доирасига инсон тасвиридан ташқари, пейзаж, деталлар, буюмлар, жисмлар, ҳайвонот дунёси, бадиий тасвир воситалари ва ҳақозолар тушунилади. Тор маънода қўлланилганда эса фақат инсон ҳаётининг бадиий манзаралари англашилади. Образлилик, айти чоқда, бадиийлик ҳам демакдир.



Образ атамаси ҳақидаги илк фикрлари машҳур юнон файласуфи Аристотелнинг эстетик қарашларидаёқ учратиш мумкин. Бироқ Аристотель «Поэзия санъати ҳақида» номли асарида «образ» атамаси ўрнида «мимесис» иборасини ишлатган. «Мимесис» - тақлид демакдир. Аристотель мимесис (образ) турмушга тақлидан яратилади деб ҳисоблаган. «Образ» атамаси биринчи марта машҳур немис файласуфи Гегелнинг эстетикага оид асарларида ишлатилган. Гегель ўз эстетик қаршларида санъат ҳақида фикр юритар экан, «санъат – образлар орқали фикрлаш» демакдир деб таъкидлаган. Рус атамашунослигига «образ» атамасини, асосан, В. Г. Белинский олиб кирган, бу таълимотни такомиллаштирган. Ўзбек адабиётида «образ» атамаси ўрнига XX аср бошларигача «тимсол», «тасвир», «нусаха» каби иборалар ишлатилган. XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек атамашунослигига «образ» атамаси кириб келган.

Санъатнинг барча шаклларида воқелик образлар воситасида акс эттирилар экан, бу образлар воқеликни айнан ўзидан, айнан нусахасидан иборат эмас. Санъат асаридаги ҳар бир образ ижодкор шахснинг ҳиссий ва ақлий идрокидан ўтган воқелик парчасидир. Адабиётшунослик илмида «образ» деганда инсон онгида ин'икос этилган воқеа-ҳодисаларгина эмас, балки шу билан бирга сўз воситасида санъаткор томонидан анланган, қайта ишланган (бичиб тўқилган) ва тасвирланган ҳаёт тушунилади.

Бадиий образ воқеликни, ҳаётини мушоҳадаларни, таассуротларни ижодкор дунёқараши, эстетик идеали орқали қайта ишланиши оқибатида янгидан яратилишидан иборат. Бинобарин, бадиий образнинг моҳияти воқеликнинг бадиий умумлашмага айланганлиги ёки ифодаланганлиги билан белгиланади. Реал борлиқдаги, инсон руҳиятидаги турли-туман ўзгаришлар ва кечинмаларни ижодкор ўз онги, дунёқараши, эстетик идеали. Ҳақиқий мақсади орқали синтез қилиши оқибатида бадиий образ шаклланади. Шу сабабли ижодкор яратган ҳар бир янги образ янги бир хилқат, янги бир кашфиётдир. Бундай образлар инсон маънавий дунёсини

бойитади, руҳини бардам қилади. Бадиий образ ўзининг табиати, характери ва хусусиятларига кўра, ўта мураккаб эстетик категориядир. У китобхон, тингловчи ёки томошобиннинг воқеликка бўлган ҳиссий ва ақлий муносабат воситаси. Бадиий образга хос биринчи хусусият, унинг жонли аниқлиги, ўзига хос белгиларга бойлиги бўлиб, бу хусусият санъат ва адабиётнинг кишиларга ҳиссий таъсири қудратини белгилайди. Образнинг иккинчи ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўзида аниқ такрорланмас умумий типик белгиларни мужассамлаштиради.

Проф. Л. И. Тимофеевнинг таърифича, «образ – тўқима ёрдами билан яратилган ва эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма ва, айти чоқда, конкрет манзарасидир»<sup>1</sup>.

Бадиий образнинг асосий хусусиятлари:

1. Умумлашмалик.
2. Конкретлилик, индивидуаллик.
3. Бадиий тўқимадан фойдаланиш.
4. Тасвирда таъсирчанликка эришиш.

**1. Бадиий образнинг умумлашмалиги.** Л. Н. Толстойнинг фикрича, адабиётда маълум бир тип яратиш учун шу тоифадаги жуда кўп кишиларга хос хусусиятларни танлаб олиб, бадиий бир бутунликка жамлаш керак. Адабий асар қаҳрамони ҳаётдаги кишиларга ўхшаб кетса-да, уларнинг айнан ўзи бўла олмайди. Образ умумлашма натижаси бўлади. Асарда тасвирланган биргина образ заминда юзлаб-минглаб кишиларга хос хислат ва белгилар умумлаштирилиб, жамлаб берилади.

**2. Бадиий образнинг конкретлиги ва индивидуаллиги.** Адабий асарда тасвирланган бадиий образ умумлашма натижасигина бўлмай, айти чоқда, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш маҳсули ҳамдир. Зотан, Адабий

---

<sup>1</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: Ўзбекистон, 2002, 42-бет.

қахрамон том маънода индивидуаллаштирилган бўлиши зарур. Чунки ёзувчи бадий образни индивидуал хусусиятлари билан кўрсатиш орқали конкретлаштирилади, образга жонлилик, ҳаётйлик, табиийлик бахш этади, эмоционалликка эришади – ўқувчи ҳиссиётига таъсир қилади, уни ишонтиради. М.Горький ёзади: «Ёзувчи ўз қахрамонларига айнан жонли кишиларга қарагандек қараши керак, уларнинг жонли бўлишлари учун эса ёзувчи ҳар бир қахрамоннинг нутқида, ҳаракатида, жуссасида, юзида, жилмайишида, кўз уйинида ва ҳақозоларда характерли, ўзига хос оригинал хусусиятларни қидириб топиб, таъкидлаб кўрсатиши, қайд қилиши зарур». Индивидуаллаштиришнинг асоси – реал ҳаёт. Ҳаётда эса М. Горький айтганидек, одамлар ҳар хил бўлади. Ана шу ҳар хил характерли одамлар адабиётда индивидуаллаштириш орқали ўз ифодасини топади. Индивидуаллаштириш бир хил маслак ва ғоядаги кишиларнинг ранг-баранг образларни яратиш имконини беради.

**3. Бадий образ тузилишида тўқима.** Образ ҳаётй умумлашмаларни индивидуал шахс белгилари, инсон ҳаётининг конкрет манзаралари орқали ифодалашни тақозо қилар экан, бундай мураккаб ижодий жараённи бадий тўқимасиз, ижодий фантазиясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бадий тўқима ҳаётй факт билан қўшилган, уйғунлашган пайтдагина чинакам умумлашма – бадий образ вужудга келади. Бадий тўқима ёзувчининг ҳаётга фаол муносабати натижасида юзага келади. Ёзувчи бадий тўқима ёрдамида конкрет одамларда мавжуд бўлган ижобий ва салбий хислатлар ва имкониятларнинг ҳали рўёбга чиқмаганларини ҳам хаёлан рўёбга чиқариб тасвирлайди, ҳаётй фактни ўз ижодий мақсадига мувофиқ равишда ривожлантириб, ўзгартириб кўрсатади. Бадий тўқима ёзувчининг ҳаётдан олган ҳаққоний таассуротларига асосланади, унинг самимий ҳис-туйғулари ва теран фикрлари билан йўғрилади, санъаткорнинг ўзига хос истеъдоди ва маҳорати туфайли китобхоннинг маънавий дунёсини бойитади.

**4. Бадий образнинг эстетик таъсирчанлиги.** Китобхонга эстетик таъсир кўрсатиш – бадий образнинг ғоятда муҳим хусусияти. Бадий образ китобхонда, албатта, қандайдир эстетик ҳиссиёт (эмоция) уйғотиши керак. Ёзувчи бадий образ орқали эстетик идеалини тасвирлайди: идеал ижобий образда бевосита, салбий образда билвосита ифодаланади. Ёзувчи ҳар бир образга эҳтирос билан ёндошиши, унга фаол муносабатда булиши лозим. Шунга кўра, у ёки бу асарни ўқиганда бадий образ фаолиятига бефарқ қарай олмаймиз: улардан ё завқланамиз ёки нафратланамиз.

**«Образ»** деганда асарда қатнашувчи барча одамлар ҳаёти тасвири (асар сюжетида ҳар хил «юк» ташувчи шахслар) – бош қаҳрамон, асосий образ, эпизодик образ англашилади.

Асарда ирода йўналиши ва индивидуал руҳий хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи, асар сюжетида «катта юк» ташувчи шахсларгина **характер** бўлса, ижтимоий гуруҳ ёхуд синфнинг катта умумлашмаси бўла оладиган характер адабий **тип** деб юритилади.

**Характер** (юн. Character – хусусият, белги) биринчи навбатда, конкрет ҳаётий шароитда ўз индивидуал хатти-харакатлари ва руҳий кечинмалари билан намоён бўладиган инсоннинг аниқ тасвири. Қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуи характер деб юритилади. Характер Л. И. Тимофеев айтганидек, образнинг ядроси. Асарда мукамал тасвирланган образларгина характер даражасига кўтарила олади. Характер - бу аниқ ирода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган образ. Масалан, «Ўтган кунлар» романидаги Юсуфбек хожи, Ўзбек ойим, Отабек ва б. Шунингдек, ҳар қандай характер ҳам адабий тип бўла олмаслиги мумкин. Характернинг энг мукамал шаклигина адабий тип даражасига кўтарилган бўлади.

**Тип** (юн. Types – из, нусха, тамға; намуна, образ) – аниқ ирода йўналиши, индивидуал руҳий хусусиятлари билан маълум бир синфи ёхуд гуруҳнинг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирган шахслар образи. Адабий тип – муайян тарихий шароитдаги жамиятнинг бутун бир синфи ёхуд бутун бир тоифасига мансуб бўлган кишиларнинг типик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мукамал бадий образдир. Санъат асаридаги

мукаммал образларгина характер бўлса, чуқур ва ҳар тарафлама пухта ишланган характерларгина адабий тип бўла олади.

**«Персонаж»** - (лот. Personal – шахс сўзидан) атамаси бадиий асарда иштирок этувчи ҳамма шахсларга нисбатан қўлланилади. Кўпинча асардаги эпизодик образлар – персонажлар деб юритилади, шу сабаб унинг тушунчаси образга нисбатан тор ҳисобланади.

### **Образ яратиш йўллари ва турлари**

**Режа:**

1. Образ яратишнинг жамлаш ва прототип йўллари.
2. Ижодий метод тақозосига кўра.
3. Адабий тур ва жанрлар, услуб ва тасвирий воситаларга кўра.
4. Асар қурилишида тутган ўрнига кўра.

### **1. Жамлаш йўли билан образ яратиш.**

Ёзувчи ҳаётдаги кўплаб одамлар турмушини, ички дунёсини, урф-одатини, руҳиятини меҳнат фаолиятини пухта ўрганиш асосида уларнинг энг муҳим белгиларини, типик хусусиятларини саралаб, танлаб олади, умумлаштиради, синтезлаштиради, бадиий бир бутунликка йиғиб, конкрет шахс образи орқали ифодалайди.

Рус адабиёти танқидчиси Н.Г. Чернишевский «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабатлари» асарида шундай ёзади: ёзувчи «кўпгина индивидуал шахсларни кузатади; буларнинг ҳеч қайси тип бўлиб хизмат қила олмайди; лекин у ҳар бирида умумий типик хусусиятларни аниқлайди; барча тасодифий хислатларни чиқариб ташлаб ҳар хил кишиларга хос бўлган хусусиятларни бадиий бир бутунликка бирлаштириш йўли билан характер яратади».

### **2. Прототип асосида бадиий образ яратиш.**

Прототип (юн. Protos – илк, дастлабки; typos – намуна, нишона) – адабиётшуносликда бадиий образни юзага келтиришда негиз, асос, ўзак, пойдевор сифатида хизмат қилувчи реал шахс (ҳаётда бўлган тарихий шахс) маъносида қўлланилади. Бу усулда бадиий образ яратишнинг характерли жиҳати шундаки, бунда ҳаётда мавжуд бўлган тарихий шахс бадиий образнинг асосида туради. Ёзувчи ҳаётдаги фавқулодда шахслар – прототипларга таяниб бадиий образ яратади. Прототипли образ яратиш жараёнида ҳам, худди жамлаш йўли билан образ яратилаётганидек, ҳаёт ҳодисалари типиклаштирилиб кўрсатилади, бадиий тўқимадан маълум меъёрда фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, бадиий образ ҳаётини материал –

прототип, ёзувчининг ижодий фантазияси – бадий тўқима ва олға суриладиган гоё эстетик идеалнинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Бадий образ яратишдаги бу икки усулнинг бир-биридан асосий фарқи шундаки, жамлаш йўли билан яратилган образларнинг заминида конкрет тарихий шахслар эмас, балки умуман, инсон фаолияти турса, прототипли образларнинг пойдеворини аниқ тарихий шахслар эгаллайди. Бу икки усул ўратасидаги муштараклик шундаки, ёзувчи ҳаётни образли ифодалайди.

**Ижодий метод тақозосига кўра образлар романтик ва реалистик бўлади.**

**Романтик образларда** ёзувчи турмуш ҳақидаги орзу ва умидларини тасвирлайди. Бундай образлар, гарчи ёзувчи яшаб турган жамиятда бўлмасида, ёзувчи орзу қилган воқеликнинг ифодаси ҳисобланади. Бундай образлар юксак кўтаринки руҳда жисмоний жихатдан ҳам, маънавий жихатдан ҳам куч-қудратга, мўжизага эга қилиб тасвирланиши мумкин.

Характер хусусиятлари, фаолияти ҳаётдаги реал одамларга мос келадиган тарзда умумлаштириб ва аниқлаштириб, типик шароитда ҳаққонийлаштириб яратиладиган образларга **реалистик образлар** дейилади. Бундай образларда рўйи- ростлик, чинлик ёрқин ифодасини топади.

**Адабий тур ва жанрлар, услуб ва тасвирий воситаларга кўра** образ кўйидагича турларга бўлинади:

**1. Эпик образларда** ҳаёт воқеа-ҳодисалари кенг ва атрофлича тасвирланади. Воқеабандлик, объектив тасвир устунлик қилади. Эпик турларнинг ҳамма жанрларида яратилган образлар – эпиклик хислатларига эга бўлади.

**2. Лирик образда** воқелик инсон кечинмалари (туйғулари, ҳислари, ўйлари) орқали ифодасини топади. Лирик турнинг жанрлари (ғазал, шеър, қасида, рубоий, кўшиқ, ва шу к.) даги лирик қаҳрамон (ошиқ, ёр, рақиб) образи типик тимсолдир.

**3. Драматик образда** воқелик ҳаракат орқали саханад мужассам бўлади. Трагедия, комедия, миниатура каби жанрларда яратилган образлар драматик образлар деб юритилади.

**4. Хаёлий- фантастик образлар** - ҳаддан ташқари бўрттирилган, илоҳийлаштрилган, мўжизавий характерга эга бўлган қиёфалардир. Халқ оғзаки ижоди (достон, эртак) даги учар гилам, ур тўқмоқ, дев, ажина, жин образлари кишиларнинг тасаввуриларининг кенгайтирадиган, руҳият дунё сирлари билан ошно этадиган тимсоллардир.

**5. Афсонавий образлар** – бутунлай хаёлнинг мевасидир, улар битмас-туганмас қудратга, юксак фазилатларга, мўжизага эга бўладилар. Халқ оғзаки ижодигани паҳлавонлар мана шундай характерда. Алпомиш (Алпомиш), Гўрўғли, Рам, Бҳимсен, Аржун ана шундай қаҳрамонлардир.

**6. Мифологик образлар** – афсона асосидаги яратилган асотирий қаҳрамонлар. Мифологик образлар инсон табиатга қарши курашда ожиз бўлиб, ундаги ҳодисаларни қандайдир табиатдан ташқари, кишиларга нисбатан эзгу ёки ёвуз ниятда бўлган руҳлар бошқаради деб ўйлаган аждодлар томонидан яратилган. Масалан, қадимги юнон мифлари – Геракл, Прометей, Қадимги Ўрта Осиё, Эронда яратилган Каюмарс, Жамшид, Митар ва бошқа шу каби мифологик образлар шулар жумласидандир.

**7. Мажозий (Символик) образлар** – предметлар, ўсимликлар, жониворлар, ранглар орқали ижтимоий ҳодисаларни умумлаштириб ифодалаш демакдир. Мажозий образларда ифодаланган тасвирдан бевосита инсонларнинг муносабатини, руҳий оламини англаш мумкин. Чунончи кабутар- тинчлик рамзи ва ҳ.

**8. Аллегорик образлар** - қуш, ҳайвон, ҳашорат каби турли жониворлар инсонийлаштирилади, айрим одамларнинг феъл-атворидаги камчилик, иллаталар аччиқ кулгу, енгил ҳазил билан фош қилинади.

**9. Сатирик образларда** ҳаётдаги қусурлар устидан заҳарханда кулгу, сарказм, масхаралаш усули етакчилик қилади. Қаҳрамонлардаги



ташқи жиҳатдан кўзга кўринмайдиган, лекин ички жиҳатдан ярамас одамлар фош этилади.

10. **Юмористик образларда** ҳаётдаги айрим нуқсонлар енгил, кувноқ кулгу остига олинади ва уларни тузатишга чорлайди. Мулладўст («Майсаранинг иши» Ҳ.Ҳ. Ниёзий), Тошболта («Тошболта ошиқ» Ҳ. Ғулом) кабилар юмористик образларнинг жонли намуналаридир.

**Асар қурилишида тутган ўрнига қараб** образ қуйидагича турларга бўлинади:

1. Асар воқеаларининг марказида туриб, асар сюжетини қаракатга келтирадиган ва охиригача ривожлантрадиган, асар бош ғоясини ўзида ташийдиган шахслар – **бош образ ёки бош қаҳрамон** деб юритилади.

2. Бадиий асарда маълум бир ғояни (асардаги бош ғоянинг кичик бир бўлагини) ифодаловчи, сюжет давомида бир, икки кўзга кўринган образлар **эпизодик ёки ёрдамчи образлар** дейилади.

**Адабиёт ҳаётни икки хил йўл билан тадқиқ этади: бири – тасдиқлаш, иккинчиси - инкор этиш. Шунга кўра образлар қуйидагича турларга бўлинади.:**

1. Хатти-ҳаракати, характер хусусияти билан асосан ижобий хислатларни ўзида ташиша, ва китобхон учун ўрнак бўла олса, жамиятни эзгулик ва комиликка етаклай билса, у – **ижобий образдир**.

2. Хатти-ҳаракати, характер хусусияти билан, асосан салбий хисларни ўзида ташиша, китобхонни ўзига нисбатан нафратни уйғотса, жамиятни таназзулга тортса, у – **салбий образдир**.

**Адабиёт тарих ва замона материалига мурожаат қилишга кўра қуйидаги образларни вужудга келтиради:**

1. Ёзувчи «тарих орқали замонанинг ичига кирса» (А.Толстой), тарихда бўлиб ўтган воқеликни образларда гавдалантирса, улар **тарихий шахслар образи** деб юритилади.

2. Ёзувчи бугунги жамиятнинг тараққиёти учун зарур бўлган янги ғояларни ифода этса, бу ғояларни замондош, «таниш бўлган нотаниш»

характерларда гавдалантирса, бу **замонавий образ ёки замондош образ** деб юритилади.

Адабиётшуносликда шунингдек, **ўзгарувчан образлар, мураккаб образлар** турлари ҳам мавжуд.

Бадий асардаги бир-бири билан узвий боғлиқ образлар мажмуи – **образлар системаси** («Ўткан кунлар»да Юсуфбек ҳожи – Ўзбекоким – Отабек – Кумуш - Ёдгорбек), асардаги маълум бир гуруҳга мансуб образлар – **образлар галерияси** («Ўткан кунлар»да Ҳамид-Содиқ-Мутал-Жаннат кампир каби) деб юритилади.

Адабиётшуносликда «образ» тушунчаси билан баъзида тенг, баъзида фарқли ишлатиладиган «персонаж», «қаҳрамон» тушунчалари ҳам бор:

**«Персонаж»** - (лот. Personal – шахс сўзидан) атамаси бадий асарда иштирок этувчи ҳамма шахсларга нисбатан қўлланилади. Кўпинча асардаги эпизодик образлар – персонажлар деб юритилади, шу сабаб унинг тушунчаси образга нисбатан тор ҳисобланади.

**«Қаҳрамон»** деганда, шижоатли, довюраклиги, ботирлиги билан шуҳрат қозонган, жонбозлик, мардлик қилиб ўзини кўрсатган киши тасаввурга келса-да, бу тушунча умуман асарда иштирок этувчи ижобий ёки салбийлигидан қатъий назар ҳамма шахсларга, кўпинча, бош иштирокчиларга нисбатан қўлланилади.

## **МАВЗУ 4 ЗАМОНАВИЙ АДАБИЙ ОҚИМЛАР**

### **4.1 XX аср бошларида пайдо бўлган антиреалистик адабий оқимлар**

Модернизм сўзи модерни– замонавий сўзидан олинган. Уни бошқа сўз билан ифодалашлар ҳам учраб туради. Бу сўз- декаденст ва декаданс – яъни декадентлик. Бу сўз асосан XIX асрнинг охири XX аср бошларидан бошлаб ишлатила бошланди.

Модернизм XIX асрнинг охирида Франция, сўнгра бошқа Европа адабиётларида (Австрия, Россия, Белгия, Норвегия) пайдо бўлган янги оқим. XX аср жаҳон санъатида, жумладан адабиётида инқирозга учраган турли-

туман ҳодисаларнинг нореалистик оқимларнинг умумий шартли номи. Бу оқим тарафдорли модернист ёки декадист терминлари билан ифодаланади. Модернизм оқимининг турли хил кўринишлари мавжуд.

Декаданс оқими фақат адабиётда эмас балки XX аср бошларида фалсафа, эстетика ва бошқа санъатлардаги (расм, мусиқа ва ҳ.к.) тушкунлик кайфиятин ифодаловчи оқим. Бу оқим капиталистик муносабатлар кескинлашиб, капиталистик тизим инсонга бахт келтиришига ишонч йўқолиб, унинг ўрнига маъюслик, тушкунликкайфияти эгаллагандан сўнг ҳар хил кўринишда ўзини намоён қилди. Декадентлар ўз ижодида инсонни дунёни ўзгартира олишқудратига ишончсизликни, реал ҳаёт олдида ожизликни тарғиб қилдилар. “Декадент” атамаси Францияда символист шоирлар доирасида юзага келди. Символизм бутун Европа шеърлятида кенг тарқалгач, декадентлик ҳам шу қатори бутун Европа адабиётига кенг тарқалди. таниқли символист ёзувчилар Артур Римбо (Франция), Рилке Рейнер (Австрия), Пол Варлен (Франция), Эмил Верҳари (Белгия), Стефан Малларие (Франция), Морис Метерлинк (Белгия) символизмнинг энг ёрқин намояндалари ва бошқалар модернизмга ўтишга тамал тошини қўйдилар. XX аср бошларида модернистик оқимда яна дадаизм, кубизм, дитуризм, экспрессионизм, имижнизм, акмеизм, каби нореалистик оқимлар ҳам юзага келдики, декадентлик руҳи бу оқимларни ҳам қамраб олди. Натижада декадентлар ўзларини янги эстетик ва этик қадриятлар бойлик яратувчи қадриятлар деб ҳисоблашарди. Эстетика табиатда ва жамиятда гўзалликни кўйловчи фан ва шунингдек бу гўзалликни инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги фан ҳамдир. Гўзаллик нуқтаи назаридан борлиққа ёндошиш ва уни онгдан ўтказиш. Эстетика борлиқдаги гўзаллик қонуниятларини ўрганади. Декадентлар сўнгра модернистлар анаънавий эстетика қадриятларини ўзгартира бошладилар ва ўзларининг гўзаллик мезонини илгари сура бошладилар.

Декадентлар санъатни ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлигини инкор қиладилар ва “санъат санъат учун” шиорини илгари сурдилар. Декадентлар ўзларини эстетик исёнкорлар сифатида тутдилар.

Файласуф Ф.Нитсше XIX аср файласуфлари ичида алоҳида ажралиб турарди ва Европа декадентларининг отаси ҳисобланади.

Декадентлик юзага келган пайтдан бошлабоқ бу оқим йирик реалист ёзувчилар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Францияда Р.Роллан, Германияда Г. Манн, Россияда М.Горкий декадентларнинг ғояларига қарши кескин кураш бошладилар.

Декаданс сўзидан ҳозирги замонда қўлланиладиган модернизм атамасига назар ташланса ва мазмуни очиб бериладиган бўлса, модернизм XX асрда бадий ижоднинг янги модели сифатида намоён бўлди. XX аср бошида анаънавий санъат шакллари уларга жонсиз, консерватив, қолоқ кўриниб, уларни бузиш учун тамойиллар пайдо бўла бошлади. Модернизм вакиллари ўзларини реалистик, романтик моделларга ва ҳатто натурализм, символизм, неоромантизмга қарама қарши қўйдилар. Мана шу сифатлари

билан янги пайдо бўлган тизим – Модернизм ҳар хил йўналишдаги нореалистик оқимларни бирлаштирди ва XX аср боши маданий жараёнларида рўй берди. Бу жараёнда олдиндан мустақкам кўринган тизимлар емирилди, янги илмий ихтиролар ва бадий кашфиётлар янги тизимларни вужудга олиб келди. Маданий қадриятлар янгидан баҳоланди, мувозанат йўқолди, кўтаринкиликдан воз кечилиб унинг ўрнини тушқунлик кайфияти эгаллай бошлади. Коинотни ва инсон мавжудлигининг дастлабки, бирламчи асосини топишга рағбат туғилди. Нисбийлик назарияси (Эйнштейн), Фрейднинг психоанализлари (руҳий таҳлил), атом кашфиёти, рассом Малевичнинг машҳур картинаси “Қора квадрат” ҳамда жуда кўп бошқа ҳодисалар дунёдаги барча қадриятларни бошидан кўриб чиқиш ва бирламчи асосни топишга ундади.

Худди шу жараёнлар адабиётда ҳам рўй берди. Реалистлар ва модернистлар ўртасидаги қарама-қаршилик нимадан иборат эди? Модернистлар бирламчи асосларни қидиришга тушади, реалистлар эса коинотни яхлит умумий манзарасини барпо этишга ҳаракат қиладилар.

Модернизм кўп кўринишли бўлгани учун унинг ўзига ҳос яхлит поэтикаси йўқ. Унинг поэтикаси ҳақида гапириш учун ҳар бир йўналиш, оқим, мактаб ва муаллифни алоҳида кўриб чиқиш лозим ҳамда ижодини ўзига хослигини аниқлаш керак бўлади.

#### **4.2 Модернизм доирасидаги оқим ва йўналишлар**

XX аср модернизм атамаси кўп маънода ишлатилади:

1. Бу атама билан И Жаҳон уруши арафасида ёки давомида вужудга келган санъат ва адабиётдаги турли нореалистик оқимлар ҳам атала бошланди. Булар экспрессионизм, кубизм, футуризм, акмеизм, имажинизм ва хоказолар.

20-30 йилларда сюрреализм ва абстракционизм

Абсурд адабиёти, янги роман – 2 Жаҳон урушидан сўнг.

2. Нореалистик оқимлар санъаткорларнинг бадий тизимини янгилашга бўлган эстетик тамойиллари. Уларнинг назарида бадий тизим эскириб қолган бўлиб, уни айниқса шаклан, ҳар хил тажрибалар ўтказиб янгилаш кераклиги ҳақида бонг ура бошлашди. Шу маънода модернизм авангардизм билан бир тушунчани ҳосил қилади.

3. Совет даврида модернизм декаданс тушунчаси билан биргаликда кўрилиб уни кўпроқ мафкуравий томони назарда тутилди. Декаденс XIX аср охиридаги нореалистик адабиёт ва санъат бўлса, XX асрда асрда модернизм деб аталар эди. Декаданс чириб бораётган буржуа жамияти санъати деб таърифланди. Аммо, бундай қараш назарий соддалаштиришдир ва зиддият туғдирувчи омил, чунки модернизм XX аср энг буюк танқидий реализм ижодкорлари бўлмиш Э. Хемингуэй, Фолкнер, Пол Элюар, Б.Бехт, П.Нерудаларга катта таъсир кўрсатди, улар ҳатто ижодларининг биринчи босқичида модернистис оқимда бўлишди.

Модернизм буюк намоёндалари Жонс, Пруст, Кафка, XX асрнинг энг буюк кўринишларидан бўлиб, уларнингижодисиз замонавий адабиётни тасаввур қилиб бўлмайди.

Модернизм XX асрда намоён бўлиши жуда кенг кўламни қамраб олади-Кафка ижодида сюрреализм, Сартр ва Камюларда эса экзистенционизм. Модернизм сюрреалистик образларда, маъносизликни эътироф этган экзистенционизм фикрларида, инсоннинг яшаши абсурд деб топишида, ёлғизликдан чиқишга нажот тополмасликда, одамлар ўртасида ўзаро тушуниш воситалари йўқолганда мана шу сифатларнинг ҳаммаси модернист адабиётга ҳосдир.

Янги бадий шакллар ва кескин руҳдаги воситалар орқали, уларни ҳар хил вақтда вужудга келган адабий оқимлардан танлаб олган ҳолда, ҳикоячилар (адиблар) содир бўлган воқеани ўзлари қандай тушунишган бўлса, шундай намоён қилдилар. Ижтимоий жараён уларни қизиқтирмайди. Улар ўзларини бу ўзгараётган оламдан топиб олишга уринадилар.

Шундай қилиб модернизм эстетик ва мафкуравий кўринишларнинг мажмуаси.

Модернизмда шаклан янгиланиш тамойиллари туркуми дунёқараш билан чамбарчас боғланиб кетган. Улар ижодий яратувчанлик фаолиятига ишонмайди, олам улар учун чуқур нуқсонлар билан тўла. Улар оламини яхшилик томон ўзгартиришга ишонмайдилар, инсон эса мақсадсиз умр кечиради. Воқелик улар учун тартибсиз бир дунёки инсон унда ғам-алам учун яшаб келмоқда. Модернизмнинг энг асосий оламини ҳис қилиш – бу унинг бу оламдаги ғариблиги узилганлиги, ёлғизлиги.

Романтизм – мисолий дунё ва воқелик, кучли шахс

Танқидий реализм – шахсий илтимой муҳит билан боғланганлиги ва уни ўзгартира олиши.

Одамзотни бу дунёда ғариблиги, яккалиги, узилганлиги айниқса кейинг адабий фалсафий таълимот- экзистенционизмда ўз ифодасини топди.

Модернизм демак, оламдаги иллатларни пайқайди, адоларсиз жамиятда инсон қийналганлигини билади. Лекин у жамият иллатларини ҳис қиладию уларни ўрганмайди, сабабини қидирмайди. Бу сифатлар танқидий реализмга ҳосдир.

Модернизм намоёндалари мураккаб шакилй тажрибаларга алоҳида мойиллик сездилар. Мисол тариқасида модернизм адабиётнинг бир кўриниши – абстраксионизм. Бу санъатда ҳаёт қадри қиммати умуман қолмаган, у бир-биридан узилган шакллар орасида қолиб кетган санъат.

### **4.3. Постмодернизм юналишининг хусусиятлари**

**Постмодернизм** замонавий адабиётда аввало қадрият сифатида намоён бўлади. Постмодернизм ўзига хос дунё қараш ва дунёни ҳис қилишдир. Постмодернизм модернизмга узвий боғланган, чунки унинг асосий тушунчаси бу оқимда дунё бу хаосдир. Модернизмда эса бу маъносизлик. Постмодернизмда авторитетнинг инқирози кузатилади. Авторнинг асосий

ниқоби иккиёқламалиқдир. Баёнчилик услубига масхара кайфияти кирганини кузатиш мумкин. Уларда мавзулар ҳилма-ҳиллиги мавжуд бўлиб, изчиллик бузилган ва бошқалар. Шунинг учун постмодернизм ташкил топиши ҳақида қапирганимизда, бутун оламшумул масала сифатида эътироф этиш лозим. Бу замонавий кишини дунё қараш ва дунёни ҳис қилиши билан боғлиқ, постмодернизм унинг дунёси. Шундай қилиб модернизм ва постмодернизм Ғарб адабиётида инсон ички дунёсига чуқур эътибор бериш, дунёни янгидан ҳис қилиш ва шунинг билан муаллифга ижодий таҳйюлда ички озодликни берди. Постмодернизм адабиётда тажриба ўтказадиган оқимдир, У ўзининг кескинлиги, шокли зарбаси билан маданий ҳаётни жунбушга келтиради. Ёзувчилик моҳияти тўғрисида ўйлашга мажбур этади. Ёзувчини замонни англашига олиб боради. Модернизм ва постмодернизм типологик томондан яқин маданий ва адабий оқим сифатида бир ҳилдир. Ғарб санъатида энг муҳим сифатларидан бири - бу билимнинг ҳар тармоқларида унга бўлган ишочсизликдир. Улар динда, санъатда ва адабиётда кўзга ташланади. Буюк баёний қадриятларга бўлган ишончнинг эмирилиши. Постмодернизмни вужудга келишини Ғарб тадқиқотчилари буржуа онгининг инқирози билан бўғлашади. Постмодернизм дунёда этакчи мавқеини эгаллаб бормоқда. Бу фақат битта услаб бўлиб қолмай, сўнгги капитализм мантиғини маданий моҳиятидир. Постмодернизмнинг моҳиятларидан бири- бу бир масалани қайтадан тақдим этишдир. Маданиятда ксерокс сифатида намоён бўлади. Постмодернизм илгариги маданиятнинг кўчирма нушасидир. Ҳамма нарса кўчирилади ва кўпайтирилади. Уларни қайтадан истеъмолга киритади.

Иккита бир- бири билан боғлиқ бўлмаган нарсаларни уйғунлаштиради. Машхур матнларда калаш қилиш бунга мисолдир. Илгариги баёнларни бир- бирига қўшиш. Постмодернизм янги услубларни ишлаб чиқди. Асарларга ҳажвий, машара руҳиятини олиб киради. Эски моделларни бузиш постмодернизмга ҳосдир. Янги тасвирларни очиб беради. Йўқолган овозларни янгидан олиб чиқиш. Постмодернизмда ўхшамаган нарсаларга нисбий бағрикенглик мавжуд. Шу нисбий бағрикенгликни барпо этиш учун XX асрда курашлар олиб борилган. Шунинг учун постмодернизмда фикрлар ҳилма-ҳиллиги вужудга келган. Постмодернизм адабиётда

Постмодернизм- адабиётдаги адабий оқимлардан. У модерн ўрнига келган бўлиб, ундан ўзгачалиги билан ажралмайди лекин у турли ҳил элементлари билан маданиятга юкланган. Постмодернизм ўзида мураккабликни, хаосликни, замонавий дунёни алғов-далғовликни акс эттирган. 20 аср сўнггидаги "адабиёт руҳи". Постмодернизм термини 20 аср сўнггидаги адабиётни характерлаштириш учун қўлланилади.

Постмодернизм немис тилидан таржима қилинса "модернизмдан кейинги" маъносини беради. 20 асрда олд кўшимчаси "пост" "кашф" қилиниши орқали вужудга келган. Постмодернизм термини модернизмга қарама-қарши қўйилгандек бўлиб, уни ана шундай қабул қилинмоқда. Шундай қилиб постмодернизм тушунчаси вақт синовидан ўтган иккиёқламалиқдир.

Европа ва Америка постмодернизми 60-йиллар сўнгида 70-йиллар бошларида вужудга келган, шу жумладан Россияда ҳам. Классик модернизмнинг эстетик янгиланишга таянар эди, шунинг учун баланд эстетик шаклларга талаби бор эди. Модернизмнинг шунинг билан бирга қатъиян тизимга ва муайян дунёқарашга майли бор эди. Постмодернизм модернизм фарқли ўлароқ бадиий иқтибосга сиғинарди ва сюжетлами ўзида тақлид қилади. Шунингдек, постмодернизмда тил соддалаштирилди ва у кўпроқ ривожланмаган қуйи табақаларга мўлжалланган. Инсон ўзининг жисмоний талабларини қондиришга интиланган. Дастлабки пайтларда, постмодернизм баъзи бир ижобий натижаларга эга бўлган. Гарсия Маркес, Умберто Эко, Х. Л. Борхес, В. Набоков "Лолита". Мазмунан услуб ва жанр жиҳатидан майдалашиб кетди. Постмодернизм шиори қуйидагича: ижтимоий онг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилиши мумкин эмас. Постмодернизм ижодий натижалари айниқса бадиий тажрибада (бадиий адабиёт) аҳамиятиз бўлиб чиқди.

Модернизм эстетик кўриниш бўлиб, анъаналарнинг антоними бўлиб қолди. Лекин у ўзининг анъаналарини олиб кирди. Кейинчалик бу анъаналар постмодернизмга сингиб кетди. Санъат ҳаёт ҳақида ҳаққоний сўзлаши лозим, уни ўзгартириш учун ва такомиллаштиришга ҳаракат қилиши лозим.

Постмодернизм ўзида алоҳида маданиятга анъаналарни олиб кирган эмас. У турли даврларда мавжуд бўлган адабий оқим маданиятларини устки кўринишини олиб шакилланган. Унинг маданиятда алоҳида шахсий сўзи йўқдир. Юқорида келтирилгандек уни сўнги маданиятнинг кўриниши деб атадилар. Постмодернизм анъаналарида кўплаб адабий оқим анъаналарини учратиш мумкин. Постмодернизм маданиятини тушуниш жуда мушкул ваҳоланки, у маданиятларнинг энг соддасидир. Постмодернизмнинг қоидаларидан бири қатъият қолипга солинган қоида йўқлигидир. Ижодкор ўз хис-туйғу оламини шунчалик эркин қўйганки, ҳатто уни кетидан ўзи югуришга тайёр. Постмодернизмнинг энг нозик томонлари шундаки, унда анъаналар бир-бирига қўшилиб кетганлидир.

Постмодернизмнинг назарий даъвати, "Классик постмодернизм тугамоқда лекин у самарасиз чиқди". Назария ҳаётга тадбиқ бўла олмади. Улар ҳаётда мувозанат ва уйғунлик ёқ деб аташади. Постмодернизмнинг ғоялари рўё бўлиб чиқди. Чатишиш бадиий оламини яратиш эстетик томондан ўлимга маҳкум эди. Постмодернизм баланд адабиётни ва қуйи адабиётни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Бунда бадиий яхлитлик бузилди.

Баъзи бир Ғарб тадқиқотчиларнинг меҳнатлари натижасида постмодернизм маданияти "маданиятга кучсиз боғланган" (Р. Мерелмен) деган номни олди. Т. Адорно уни шундай маданиятки, "инсон имкониятларини пасайтиради" деб характерлайди. И, Берлин уни "инсониятнинг ёрқин камчилиги" деб атайди. Америкалик ёзувчи Жон

Баннинг таъкидлашича "постмодернизм- бу бадий тажриба, илгариги маданиятни шарбатини сиқиб чиқаради ва ўзлаштирган адабиётдир". Постмодернизм адабиёти лбаҳ Хассанинг эътироф этишича, у адабиётнинг акси бўлиб, ундан бурлеск, гретеск, фантастика ва шунга ўхшаш адабиётнинг формалари ва жанрлари услубининг акси бўлиб ёритилади ва ўзига қувватни зўрлаб слнгдиради, ҳайратомуслик ва номувофиқлик космосни хаосга айлантиради. Иля Коляжнинг фикрича- Россия постмодернизм адабиётининг характерли томони шундаки, "ўзининг ўтмишига англамасдан муомалада бо\*лиш", шу авторнинг сўзларига кўра (постмодернизм ижоднинг мантиғи) асарлар "юзаки ҳазилларга" этаклайди. Адабиётнинг "маҳсус эффектлари" сифатида унда тўла тажрибага эга бўлмаган лексика ва психопотологиянинг очикдан-очик тасвири ифодаланилади.

Кўпчилик назариётчиларнинг қаршилиги, постмодернизмни модернизмнинг бўлими сифатида кўрсатилишига. Постмодернизм ва модернизм улар учун шундаки, улар фақатгина фикр юритиш орқали бири-бири билан боғлиқдир. Бундай кўпёқламали баҳо бериш фақатгина постмодернизмга ҳосдир.

Волфганг Велшнинг ёзишича "постмодернизмнинг кўриниши ўша ердаки, қаерда кўп тилларнинг ҳаракат юритадиган жойи". Рейманд Федерман шундай деган: "Мен постмодернизм нима эканлигини ҳеч қачон тушунмаганман".

Постмодернизмни ривожланган жамиятдаги билимлар даражаси сифатида ҳам кўриш мумкин, Жан Француа Лиотарнинг эътироф этишича постмодернизм ўзида 20 аср сўнггида илмий фаолиятда, рассомчилик ва адабиётда амалга оширилган янгиланишларнинг жамиятдаги ўрнини намоён қилади. 20 аср сўнггида жамият турли ҳил инқирозларни бошдан кечирди ва бу модернизмнинг утопик ғоялари билан тўқнаш келишига боғлиқ эди. Постмодернизм эса ҳали қулоққачалинмаган давр.

Интеллектуал реализм XX асрнинг 60-70 йилларда вужудга келган санъатдаги оқимдир. У рассомчиликда, адабиётда ва санъатнинг бошқа соҳаларида ўз ўрнига эга. Интеллектуал реализмнинг адабиётдаги ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир. Адабиётда бу адабий оқимнинг асосий ғояси бахт, яхшилик, мавжуд дунёда инсоний хотиржамлик асосида яхшилик амалга оширилади.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:**

1. Бугунги шарқ мамлакатлари адабиётидаги адабий жараёнлар тавсифи?
2. Таъсир ва ўзаро таъсир масаласини шарқ халқлари адабиёти мисолида исботланг.



3. Бугунги кун шарқ мамлакатлари адабиётидаги умумийлик ва миллийлик: нимларда, кимларнинг ижодида намоён бўлмоқда

4. Шарқ адабиётига Ғарб таъсири масаласи (асарлар мисолида исботлаб беринг)

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

##### **1- амалий машғулот. Адабиётни ўқитишда тарихийлик тамойили: замон ва тадриж**

Ҳар бир фан, одатда, фақат ўз қонуниятлари билан яшамайди, бошқа фанларни ҳам эътиборда тутаяди. Бу билан у ўзидаги имкониятларни янада кенгайтиради. Адабиётни ўқитиш методикаси фани бундан истисно эмас. Унинг кўплаб фанлар билан барқарор алоқалари мавжуд. Табиийки, адабиётшунослик фанисиз уни ўқитишни тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ўтмишда яратилган маданий-адабий мерос дастлаб «Адабиёт тарихи» фанининг баҳосини олади. Ёки ҳозирги замон асарларининг тарихий, адабий ҳамда бадиий эстетик баҳоси «Адабий танқид» орқали реаллашади.

Сўз санъатининг ўзига хос қонуниятлари, адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий ижод турлари, ижодий жараён ҳақидаги фикрлар эса «Адабиёт назарияси» фани орқали аён бўлади. Буларсиз «Адабиёт ўқитиш методикаси» бир қадам ҳам боса олмайди.

Айрим асарларнинг яратилиши, асар муаллифи, асардаги қаҳрамон ва образлар, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар моҳиятини чуқурроқ англаш учун тарихий шароит ва географик муҳитни билиш зарурияти ҳам пайдо бўлади. Бу ўз-ўзича адабиёт ўқитиш методикаси фанининг тарих ва география фанлари билан доимий алоқада бўлишини тақазо этади. Мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат ва бошқа санъат турлари билан алоқадорлик ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Адабиётни ўқитиш методикаси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси фаннинг мақсад ва вазифаларини англашда,

унинг таркибий қисмларини белгилашда муҳим ўрин тутди. Адабиётни бошқа фанлар билан боғлаб ўрганиш ҳаётий заруриятдир.

Замонавий технологиялар талабаларни эгаллаётган билимларни ўзлари кидириб топишга, мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган билимлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатади. Инновацион технологиялар инглизчадан «innovation» янгилик киритиш – педагогик жараён, яъни талаба ва ўқитувчи фаолияти ўзгариш, янгилик киритиш, ўқув жараёнида интерактив методлардан тўлқин фойдаланишни ўз ичига оладиган воситалар эса талабанинг биргаликда фаолият орқали таълим мазмунига таъсир кўрсатадиган воситаларни ўз ичига олади. Бундан ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- талабанинг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб бориш;
- талабанинг ҳар қандай муаммога ижодий ёндашувига ўргатиш;
- педагог ва талаба фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасдан, ижодий фикрлаши ва изланувчан имкон яратиш.

Бу жараёнда кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи билан талабанинг ҳамкорлиги фаолияти, талабанинг ижодий ишлаши, мустақил фикрлаши, изланиши, таҳлил қилиши ва хулосалай олиши, талабанинг ўзига ва гуруҳга, гуруҳнинг талабага баҳо беришига имкон яратилиши билан боғлиқ. Ҳар бир дарсга талабалар қизиқиши мавзу мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос технология қўлланилади. Ўқув жараёнида ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигини қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин.

### **Зинама-зина технологияси**

Мазкур технология талабаларни ўтилган ёки ўтилиш керак бўлган мазу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Талабалар бу технология орқали гуруҳларда ишлашга ўрганадилар, ўтилган мавзунини

субъект ўқитиш орқали мустаҳкамлайдилар. Адабиёт дарсларида «зинама-зина» технологиясини «Шарқ ва жаҳон адабиёти» ҳақидаги мавзуни қўйидагича ташкил этиш мумкин. Топшириқ тўрт гуруҳга бўлиб ўтказилади.

**1-гуруҳ.** «Икки мамлакат адабиётида оғзаки ижод намуналари»

**2-гуруҳ.** «Шарқ мамлакатлари адабиёти тарихийлик»

**3-гуруҳ.** «XX аср шарқ мамлакатлари адабиётида модернизм»

**4-гуруҳ.** «Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари» мавзулари бўйича ёзма ёзиш топшириғи берилади. Гуруҳлар топшириқни бажариб бўлгач, навбат билан ёзган маълумотларни стол устига қўядилар. Ҳар бир гуруҳ сардори бажарган топшириқлари бўйича маълумот бериб, ўз мавзусини ҳимоя қилади.

**1-топшириқ.** Шарқ мамлакатлари адабиёти (жумладан, араб, форс, корейс, хитой ва ҳ.к.)дан бирор мавзу доирасида зинама-зина технологияси асосида ёзма иш топшириғини бажаринг.

**2-топшириқ.** Илмий конференция дарслари

Илмий конференция дарслари ўқиш фаолиятини илмий изланиш, маъруза ва баҳс шаклида ташкил этишдан иборат. Бундай дарсларда яхши ўқийдиган ва қизиқувчи талабалар адабиётшунос олимлар вазифасида конференцияда чиқиш учун маъруза ва кўргазмали воситалар тайёрлашади. Қолган талабалар конференция иштирокчилари сифатида ўзларини қизиқтирадиган муаммолар юзасидан саволлар тайёрланади. Илмий конференция дарсининг асосий мақсади талабаларни қўшимча адабиётлар, илмий-оммабоп материаллар билан ишлаш, маъруза тузиш, ўз фикрини баён этиш кўникма ва малакаларини нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантиришдан иборат. Ўқитувчи илмий конференция дарси мавзусини олдиндан белгилаб беради. Уни алоҳида кичик мавзуларга ажратади. Кичик мавзулар учун қўшимча адабиёт танлайди. Конференцияга тайёргарлик бўйича зарур кўрсатмалар беради. Топшириқ: «Шарқ мамлакатлари адабиётида рамзлар» мавзуида илмий конференция дарс режасини тузинг.

1. Ўқитувчининг кириш сўзи
2. Илмий маърузалар

3. Маърузалар муҳокамаси

4. Илмий конференцияни якунлаш

Дарс режасини кенгайтириб, очиб беринг. Матбуот конференцияси дарслари аудиториядаги барча талабалар иштирокида ўтказилади. Талабаларнинг бир қисми соҳалар бўйича мутахассислар, кўпчилик қисми газета, журнал ва телемухбирлар вазифасини бажаради. Конференция мавзуси ва иштирокчиларнинг вазифаси бир ҳафта олдин маълум қилинади. Ўқитувчи талабалар билан бирга конференцияда олимларга бериладиган саволлар ва уларнинг жавобларини муҳокама қилишга киришади. Саволлар ва унинг жавоби қисқа ва аниқ бўлиши шарт.

**3-топшириқ.** Шарқ мамлакатлари адабиёти бўйича битта асарни танланг ва бу асарни мамлакатнинг этнография, тарих, географияси билан боғлиқ ҳолда контекстуал таҳлил қилинг.

**4-топшириқ.** Шарқ мамлакатлари адабиёти фанини ўқитишда «Афсоналар» мавзусининг ўтилишида мамлакат тарихи, маданиятига оид маълумотларни келтириш лозим. Жумладан, корейс адабиётида «Давлат асосчилари ҳақида афсоналар» бўлимида Тангун, Жумонг каби образларнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини, тарихий қимматини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

## **2- амалий машғулот. Шарқ мамлакатлари адабиётидаги сайёҳ сюжетлар, образлар ва мотивлар**

Адабий жараёндаги таъсир ва ўзаро таъсир масаласида сайёҳ сюжетлар. Образлар ва мотивлар кўп учрайдиган ҳолатлардир. Жумладан, қадимги эртак ва масалларда, эпосларла айна мана шу сайёҳ сюжет, обаз ва мотивларни кузатиш мумкин. Тарихий мавзудаги асарлар таҳлили, тарихий шахсларнинг учраши тарихий воқеаси бирбирига боғлиқ мамлакатлар адабиётида ҳам учраб турадиган ҳолат. Жумладан. Эпик асарлар шулар жумласига киради. “Алпомиш”, “Элиоада”, “Олиссея”, “Манас”, “Рамаёна”, “Маҳабҳарата” ва бошқалар. Уларда ўхшаш образлар, сюжетлар ва мотивлар албатта учрайди. Масалани шундай қўйиш керакки, талабалар назарий

билимсиз, бадий асарни тушуниш, таҳлил қилиш мумкин эмаслигини англаб етсинлар.

Методист олим С.Матжонов тўғри кўрсатганидай: «Дастур ва дарсликларда адабиётнинг тасвирий санъат, тилшунослик, муסיқа эстетика, тарих, рухшунослик, кино санъати билан боғлиқлиги етарли даражада ўз ифодасини топмаган».

Бадий адабиёт оламни ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаси ва манбаидир. Бу жиҳатдан у фан билан яқинлашади. Оламни акс эттиришдаги образлиги билан ундан ажралиб туради. Бадий адабиёт оламни ҳар доим кўрсатмаларга бой тарзда кўрсатади. Энг муҳими уларда ўқувчи қалбига таъсир кўрсатадиган эстетик лаззат ва ҳузур, маънавий сабоқ мавжуд бўлади. Буларнинг барчаси ўқувчининг қалбида юксак маънавий туйғуларнинг шаклланиши ҳамда улардан баҳрамандлик шарофати билан ҳосил бўладиган маънавий қониқишга олиб келади. Адабиёт ўқитишнинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини қисқача тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:

### **1-топшириқ. Ижодий ўйинлар**

Ижодий ўйинлар талабалар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари ижодий қўллаш, ўқиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоли вазиятларни ижодий изланиш орқали ҳал этишдан иборат. Бундай ўйинлар талабаларнинг мустақил ижодий изланишлар ва мантиқий фикрлашини ривожлантиришга, билимларни янада мустаҳкамлаш ва янги билимлар беришга қаратилган. Ижодий ўйинлардан фан доирасида йирик мавзулар ва боблар бўйича ўрганилган билимларни умумлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бунда аудиториядаги талабалар ўзлаштириш даражаси ва сони бўйича бир хил имкониятга эга бўлган гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажаради. Гуруҳларни шартли равишда бир неча мутахассисларга ажратиш мумкин. Ҳар қайси гуруҳ мутахассислари ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажариб, фанда «янгилик» кашф этишади. Ўз жавобларини кўргазмали қуроллар ёрдамида асослаб беришади. Жумладан, «Шарқ

мамлакатлари адабиётида тарихий шахслар» мавзуида ижодий ўйин ўтказинг.

## **2-топшириқ. Саҳналаштирилган ўйинлар**

Муаммоли вазиятнинг бир тури бўлиб, ҳаётий вазиятларни талабалар томонидан саҳналаштиришдан иборат. Уларда дидактик мақсад талабалар олдига вазифа тариқасида қўйилади, талабаларнинг ўқув фаолияти ўйин кoidасига бўйсундирилади. «Шарқ мамлакатлари адабиётида халқ қаҳрамонлари» мавзуида ўйинни саҳналаштиринг.

## **3-топшириқ. ВЕННА ДИАГРАММАСИ**

Мазкур технология адабиёт дарсларида ўтиладиган мавзу ҳақида ўз фикрига эга бўлиш, матн билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён этиш, дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган метод. Шарқ мамлакатлари адабиётига оид бирор матнни танлаб олинг, матн асосида эссе ёзинг, матн мазмунини сўзлаб беринг, эркин мушоҳада юритинг.

## **4-топшириқ. Ижодий иш**

Шарқ мамлакатлари шоирларининг шеърларига ёзилган қўшиқни тингланг, қўшиқ матнини ёд олинг. Сўнг қўшиқни талабалар билан биргаликда ижро этинг.

Шарқ мамлакатлари драматурглари пьесаларидан бирини танлаб олинг. Ролларни талабаларга тақсимланг. Талабаларнинг ўзидан режиссёр ва оператор танлаб олинг. Пьесани ўрганилган тилда саҳналаштиринг.

Шарқ мамлакатлари шоирлари (бир даврда яшаган) шеърларини танлаб олинг ва талабаларга шеърларни ифодали ўқиш билан бирга клип олишни топширинг.

Шарқ мамлакатлари адабиётида тарихий асарлар асосида олинган кинофильмни томоша қилинг. Муаллиф-режиссёр-оператор ишига баҳо беринг.

## **3- амалий машғулот. Шарқ мамлакатлари адабиётида XX аср Ғарб адабий оқим ва йўналишларининг таъсири ва миллийлик**

Бизга маълумки, услуб кенг маънода ёзувчи ижодидаги ғоявий-бадий хусусиятлар бирлиги, тор маънода ифода усулидир. Яъни, асардаги ёзувчининг ўз китобхонига қайта-қайта уқтирган ғоясидир. Демак, усул бир ёзувчининг ижод жараёни билан боғлиқ бўлган ходисадир. Метод услубдан фарқ қилиб, турли мамлакатлардаги ва турли даврлардаги ёзувчиларнинг ижоддаги йўлларига қараб бирлаштирувчи нарсадир. Ижодий методни белгилашда нарса ва ходисаларни танлаш, саралаш, баҳолаш ва образли тасвирлаш хусусиятлари ҳисобга олинади. Методда дунёқарашнинг баниҳоя аҳамияти каттадир. Чунки, ёзувчи ўз дунёёарашидан келиб чиққан ҳолда асар яратади. Методни санъаткор дунёқараши билан бирлаштириб юбориш нотўғридир. Санъаткорнинг ижодий этиқоди, эстетик тафаккури, сиёсий этиқоди намоён бўлади. Энди бизга маълум бўлган тарихий жараёнида бу нарса қандай кечди, қандай ижодий методлар ривожланди? Санъаткорларнинг дунёқарашлари қандай намоён бўлди?

Кадим замонлардан бошлаб ижоднинг икки типи: идеал ва реал типлари мавжуд бўлган. ҳар икки тафаккур типи маълум тарихий даврда илғёр ва реакцион дунёқараш билан суёрилиб, адабиётда катта ўрин олди. Хатто ҳукмрон тафаккур типини олди. Бундай вақтда энди тафаккур типининг мана шу конкрет шаклига алоҳида ном топиш ҳожати туғилди. Бунга романтик тафаккур ва реалистик тафаккур деб ном берилди. Шундан келиб чиқиб икки-романтизм методи дунёга келди. Масалан, Сервантес, Шекспир, Пушкин, Л.Толстой, А.Чехов М.Горпкий, М.Авезов, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза ва бошқа ижодкорларимизнинг асарларида ҳаётни ҳаққоний тасвирларлаш биринчи ўринга чиқиб олди. Яъни ҳаётни ўз шаклида тасвирлаш жиҳатидан буларнинг ижодлари бир-бирига яқиндир, яни уларнинг ижодий методлари реалистик методдир. Чунки, минг йиллардан бери адабий ижод усулларининг бири бўлиб келган "реал поэзия" реалистик тафаккур типи асосий ижодий принципига айланди. Умуман, адабиётшунослигимизда метод термини 30-йилларда пайдо бўлди, ундан олдин стил термини ишлатилар эди. Чунки, фанда хали ёзувчининг стили билан метод тушунчаси хали фаркланмаган эди. Метод туларок қилиб айтганда ижодий метод ҳамма томондан қабул қилинган тўлиқ таъриф фанда хали йўқ, шунинг учун барчага маълум бир таърифни келтирамиз: метод-санъаткорнинг онгланаётган воқеаланаётган воқеликка ижодий муносабатнинг умумий ижодий принципи, яъни бадий асарда воқеликни қайта тиклаш принциpidир. Воқеликни қайта тиклашнинг тарихан ўзига хослигига қараб жаҳон адабиётида классицизм, романтизм, реализм каби ижодий метод типлари бор. Бу ижодий методлардан жаҳон адабиётида энг кўп тарқалган реализм бўлиб, унинг ҳам ўзига хос кўпгина кўринишлари бор. Дидактик реализм, маърифтпарвар реализм, танқидий реализм ва социалистик реализм. Жаҳон адабиётида бундан ташқари символизм, натурализм, модернизм каби бошқа методлар ҳам бўлган. Методни даъво этучи бошқа қатор оқимлар ҳам мавжуд бўлиб булар: реализмнинг оқимлари

сифатида мавжуд бўлган классицизм, сентиментализм, ва натурализм. Булар айни вақтда метод бўлсада аввал оқим сифатида мавжуд бўлган.

Сентиментализм учун кишининг психологиясини тасвирлаш биринчи ўринда туради. Кишиларнинг ҳаёти айрим ўринларда бўрттирилиб кўрсатилар эди. Бундай асарлар сирасига Карамзининг "Бечора Лиза" асарини киритишимиз мумкин. Сентиментализм бир оқим сифатида қолиб кетди у метод даражасига кўтарилмади. Навбатдаги оқимлардан бири натурализм оқимидир. Натурализм латинча натура сўзидан олинган бўлиб, табиий деган маънони билдиради. Рус адабиётида бу оқим кейинчалик мактаб сифатида шаклланди. Натурал мактабга мансуб бўлган Гоголь, Тургенев, Некрасов сингари ёзувчилар учун бадиий асарнинг муҳим ижтимоий мазмунга эга бўлиши, воқеликни ҳаққоний акс эттириш, чоризм тузумига танқидий муносабатда бўлиш, шу билан бирга турмушни қалбаки безаб кўрсатиш бу оқимни асосий хусусиятларидан бири бўлиб қолди. Бу оқимнинг буюк назарийчиси асосчиси В.Г.Белинский эди. Белинский ва унинг издошлари Чернишевский, Добролюбов "Натурал мактаб"нинг принципларини ишлаб чиқдилар. Бу эса кейинчалик реалистик санъатнинг асосини ташкил қилди. Улар реалистик санъат тараққиёти учун курашдилар. Демак, натурализмнинг ҳаётнинг ҳаққоний тасвирлаш хусусияти кейинги методнинг ҳаққоний асосий хусусияти сифатида тараққий этди. Натурализм билан Натурал мактабни алмаштирмаслик керак. Адабий оқим ижодий методлар таркибидаги ички бўлинишдир. Романтизм методи ичидаги оқимларга мутаассиб романтизм, тараққийпарвар романтизм, инқилобий романтизмлар киради. Адабий оқим ва мактаб: Адабий оқим дунёқараш ва кизиқишлари бирлигитуфайли шаклланган уюшмадир. Машъур адабий мактаблар ҳақида Белинский асос солган "Натурал мактаб" ҳақида тўхталиб ўтдик. Шундай уюшмалар қаторига жаҳидлар ташкил қилган "Чиғатой гурунги" ва "Кизил қалам" уюшмаларини ҳам киритилишимиз ҳам мумкин. Фуркат, Муқимий, Завқий ва бошқа ижодкорларимиз асос солган маърифатпарварлик оқими ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимиз мумкин. Адабий оқимдан адабий йўналиш тубдан фарқ қилади. Оқим метод ичидаги ғоявий яқинлик бўлса, йўналиш методдан ташқаридаги методлар ўртасидаги ғоявий ходисадир. У ўзида кўплаб метод ва оқимларни бирлаштиради. Жумладан, тасаввуф адабий йўналиш сифатида шаклланди ва адабиётлар тараққиётига ўз таъсирини ўказди. Жумладан, модернистик оқим вакиллари адабий ижодда замонавийликка, янгиликка эришишни тарғиб қилдилар. Айниқса, шаклдаги безакдорликка алоҳида эътибор берадилар ва бунда буюмнинг таъсири кучлидир.

**1-топшириқ.** Бир даврда ижод қилган икки мамлакат ижодкорининг асари танлаб олинади. Аввал талаба, ҳар икки адиб ҳаёти ва ижоди билан танишади, асарларига хос чизгилар, рамзларни кўриб чиқишади. Кейин ҳар



икки адиб асарлари мавзуси олиб ташланган ҳолда, талаба эътиборига етказилади. Талаба асарни қайта ўқиш орқали асарлар кимга тегишли эканлигини унинг мазмуни, услуби ва унга сингдирилган муаллиф шахсиятига асосланиб тапиши лозим.

Икки мамлакат адабиётидаги асарлар намунаси қиёсланади. Берилган топширикни ўз вақтида бажариш талабадан вақтни тўғри тақсимлаш ва амалга ошириладиган ишларни пухта режалаштиришни талаб этади. Мана шунинг ўзи талабани мустақил равишда ўйлашга мажбур қилади. Танлаб олинган ҳар икки асарни ўқиб, асарнинг мазмун-моҳиятини англаб, улардан асар қаҳрамони ҳиссиётини туйиб шу асосда муаллифини аниқлаш талабани ақлий зўриқиш орқали ҳақиқатни топишга эришадиган тадқиқотчи ҳолатига солади.

«Адабиётнинг бош қуроли – сўз. Дарҳақиқат, адабий асар ахборот воситасигина эмас. Унда ҳақиқат, маърифат, таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий маданият ва ҳаёт фалсафаси синтезлашган. Тўғри, бадий асарни яқка шахслар яратади. Шу маънода, аксарият эстетик таълимотларда адабиёт – бу субъект имкониятларининг намоён бўлиш майдони, дея тушунтирилади. Бунда сўз санъаткорининг маънавий-ахлоқий маданияти, интеллектуал савияси, ҳаётий тажрибаси, бадий-эстетик диди, бир сўз билан айтганда, Шахслик даражаси ҳал қилувчи рол ўйнайди»<sup>2</sup>.

Бадий сўз санъати намуналарига шу нуқтаи назардан қаралади, ўрганилади ва баҳоланади. Шу маънода, сиртдан қараганда у кўнгиллар азмойили, кўнгиллар маърифатининг зоҳир бўлиш шаклларидек туюлади, таассурот қолдиради. Бу, масаланинг бир томони. Иккинчидан, адабиётнинг халқ ҳаётидаги ижтимоий-маърифий, ахлоқий-фалсафий ўрни, аҳамияти ниҳоятда улуғ. Ҳамма даврларда ҳам унинг бадий-эстетик қийматини белгилашда бош мезонлардан бири бўлиб келган.

Талабани фикрлаш жараёнида ҳодисанинг ўзаро сабабий боғланишини таъминлайдиган умумий алоқани, асосий моҳиятни топишга ўргатиш

---

<sup>2</sup> Н. Раҳимжонов. Истиқлол ва бугунги адабиёт. “O‘qituvchi” НМИУ, 2012. Б.15.

мустақил фикрни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар бир инсонга хос бўлган ривожланиш даражаси ҳамиша муҳит билан мутаносиб бўлади. Шунинг учун ҳам адабиёт фани ўқитувчиси талабалар фикрлашининг ташқи муҳит билан алоқасини аниқлаши ва мувофиқлаштириши, унинг йўналишларини бошқара билиш керак.

Жаҳон эстетикасида алоҳида йўналиш касб этган Америка адабиётшунослигида субъективизм кучли. Адабиётнинг ижтимоий роли инкор этилади. Шунинг учун ҳам, бир қатор, жумладан Эптон, Синклер, Фолкнер, Эрнест Хемингуэй асарлари назарий адабиётларда кўп таҳлилга тортилмайди. Чунки уларнинг асарлари жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларига жавоб тариқасида ёзилган. Ёзувчининг ижтимоий манфаатларга бўйсунishi айб ҳисобланади.

Атоқли Америка адиби, шоири, олими Роберт Пени Уоррен «Адабиёт аломат сифатида» номли мақоласида сўз санъатига ижтимоий воелиқдаги, жамият ҳаётидаги у ёки бу ҳодисаларнинг етакчи аломатларини бадий умумлаштирувчи, эстетик баҳоловчи маънавий маданият деб қарайди. У жамият, ҳаёт илгари сурган ялан-оч ғояларни эмас, давр муаммоларини бадий тадқиқ этиш ғоят муҳим вазифа, деб билади. Ана шу масалалар издиҳомида тақдирларнинг намоён бўлиши, инсонийлик ва ғайри инсонийлик, қисматлар ва кечмишлар бадий асарнинг бош тадқиқот объектидир, деб тушунади. Ва янаям муҳими, инсон тириклиги, инсоний борлиқ жамият олдиға, ўз ҳаётиға қандай масалаларни кўндаланг қўяди: тириклиги бадалида қандай муаммоларни бартараф этади; улар ечимини топишда ўз феълени, инсонийлик табиатиниқай тариқа намоён этиш жараёнларининг бадий акс эттирилиши ғоят муҳим вазифадир, дея тушунтиради.

Кўринадики, жаҳон эстетикасининг етакчи намоёндалари асарларида давр ғоялари, жамият ва миллат ҳаёти кўндаланг қўйган масалалар (ижтимоий-ахлоқий ёки фалсафий, сиёсий) бадий образлар ва инсоний тақдирлар орқали акс эттирилиши тарафдоридир.

Ҳозирги бадий-эстетик тафаккуримиз Шарқона анъаналардан узоқлашиб кетолмайди. Шарқда яратилган қатор асарлар юксак одоб-ахлоқдан дарак беради.

Жамият психологиясини кўрсатиш орқали инсоний тақдирлар кечмишини бадий тадқиқ этиш ёхуд одамлар қисматини акс эттириш асосида жамиятнинг инсоний ва ғайриинсоний атворини кашф этиш барча замонларда адабиётнинг устувор бурчи-вазифаси бўлган.

Бугунги кунда турфа феъл-атворли одамлар психологиси бадий-эстетик тафаккур олдиға янги-янги вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган туға қарашлар психологиясини – бирини ўпоқ, иккинчисини сўпоқ деб эмас, аксинча, инсоний тақдирлар, феъл-атворлар, дунёқарашлар тажассуми сифатида кашф этишлик адабиётнинг барча замонлардаги бош вазифаси бўлиб келган. Ҳаёт барибир ҳаёт. Зулм билан адолат, яхшилик билан ёмонлик, ёруғлик билан қоронғулик, гўзаллик билан хунуқлик ва ҳ.к. боқий кураш шакллари ҳамиша ёнма-ён яшаб келади. Бугунги кунда барчаси тирик, фақат қоришиқ ҳолатда.

Адабий жараёнда табиат-жамият-инсон ҳаётида кечаётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришсиз шахс эрки, миллат озодлиги, Ватан истиқлоли нуқтаи назаридан ўрганилмоқда, эстетик баҳоланмоқда.

Талабаларда ижодий фаолият ва мустақил фикрни тўғри шакллантиришда тасаввур муҳим ўрин тутаети. Шу сабабли юқорида берилган масалаларни талабалар онгида тўғри шакллантириш учун тўғри тасаввур ҳосил қилиниши керак. Тасаввур орқали инсон ўз фаолияти билан турмуш шароитини ўзгартиришға, уни ўзининг моддий ва рухий эҳтиёжларига мувофиқлаштиришға уринади.

Инсон таълим олиш жараёнида ҳам худди меҳнат фаолиятидаги сингари жуда камдан кам ҳолатларда фақат хотирасининг қувватига таянади. Ўзига хос янгича шароитларда фаолият кўрсатиш жараёнида кўпинча инсон у ёки бу даражада ижодий ҳаракат қилади, яъни тасаввурига суянади.

Фикр юритиш фаолияти мустақиллигини ривожлантиришга тўсик бўладиган асосий сабаблар: ўқув топшириқларининг нотўғри қўйилиши, талабаларда мулоҳаза юритишни изчил равишда талаб этмаслик, мустақил фикрлаш қобилияти канчалик ривожланганига эътибор бермаслик. Бундай вазиятда тарбияланган талабалар ўз-ўзидан тайёр мулоҳаза қулига айланиб қоладилар.

Адабиёт дарсларининг талабага маънавий озуқа бера олмайдиган даражада уюштирилиши талабанинг фанга бўлган қизиқишини сусайтиради. Талаба табиатан тараққий этаётган шахс сифатида маънавий бойлик орттириш йўллари излайди. Вужудга келган маънавий талабни қондириш мақсадида мустақил билим олишга киришади. Лекин, бу барча талабаларга хос хусусият эмас. Мустақил ишлашга одатланмаган талабалар умуман ўқимасликни афзал кўриб қолишади.

Бир қолипдаги дарслардан қочиш, дарс жараёнида ўнғайсиз ҳолатни юзага келтирмаслик, агарда шундай вазият юзага келганда ундан ҳеч кимга салбий таъсир қилмайдиган даражада йўл тутиб, чиройли чиқиб кетиш, жонли ва ҳамма учун қизиқарли дарс ўтиш, дарсликда баён қилинган фикр ҳамда қарашлардан фойданган ҳолда адабий асарни мустақил тушунишни таъминлашга интилиш лозим.

**2-топшириқ.** XX аср Фарбда турли адабий оқим ва йўналишларнинг шаклланиши ва уларнинг шарқ алқлари адабиётига таъсири жараёни билан боғлиқ. Мазкур давр шоир ва ёзувчилари ижодида онг ва ундаги ўзгаришлар жамият даражасига кўтарилиб, ижод оламида катта ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлган. Фарб ва шарқ адиби асарини қиёсий ўрганинг.

**3-топшириқ.** Тасаввур қилинг, сиз 2-курс талабалари билан мумтоз даврда яратилган модернистик асарни (бирон бир шарқ тилида) таҳлил қилмоқчисиз. Талабаларга қандай саволларни берган бўлар эдингиз? Шундай саволлардан 6-10 тасини ёзма равишда кўрсатинг.

**4-топшириқ.** XX аср ижодкорлари қаламига мансуб шарқ мамлакатлари адабиёти асаридан намуна асосида саҳналаштирилган бирорта парчани

томоша қилинг. Қахрамонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларида қандай оҳанглар устивор? Улар қандай ифодаланган? Бу муносабатларнинг англанишида муаллиф ремаркаларининг ўрнини тушунтириб беринг.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-кейс баёни:

Узоқ йиллик иш тажрибасига ҳамда ўқувчилар ўртасида алоҳида ҳурматга эга кутубхоначи аудиторияга кириб, доскада ўзининг карикатура жанрида ишланган расмини кўради. Карикатура ёрқин ишланган, ҳар бир штрих аниқ ишланган, қолаверса, расм жуда қулғили чиққан. Бутун гуруҳ кутубхоначининг карикатурага, унинг ижодкорига нисбатан муносабатини кутяпти. Бироқ, кутубхоначи шошилмасдан, катта қизиқиш билан карикатурани томоша қилади ва шундай деди: “Карикатура шунчалик яхши чиқибдики, уни ҳатто ўчиргим келмаяпти. Расм ижодкори 164 – ёш рассом уни қоғозга кўчириб олиши керак. Мен карикатурист (рассом)ни муносиб баҳолайман!”.

### Кейс саволлари:

1. Кутубхоначининг мавжуд вазиятдаги ҳолатини шахсан Сиз қандай баҳолайсиз?

2. Бу вазиятда кутубхоначи қандай тарбия методини қўллади?

### Кейс ечими.

Бу вазиятда кутубхоначи ўзининг таржрибали ва педагогик назокатга эгаллигини намоён эта олди. У карикатурани ўзининг устидан қулиш воситаси деб эмас, аксинча, санъат асари сифатида қабул қилди. Натижада кутубхоначи айбдор ўқувчини қидириб, унга танбеҳ беришни истамади. Бунинг ўрнига ўзининг санъатга бўлган муҳаббатини кўрсатди. Бундай ёндашув ўқувчиларга кутубхоначининг иродали, ўзига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ҳиссиётларини жиловлай олиш, ўз-ўзини бошқара билиш қобилиятига эгаллигини кўрсатди. Оқибатда ўқувчилар ўқитувчининг руҳан барқарор эканликларини англади. Шу сабабли кейинги сафар улар ўқитувчини камситиш ёки устидан қулишни ишашмайди.

Баён этилган вазиятда ўқитувчи

1) изоҳлаш (ўзида муайян гуруҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганликни ифоаловчи ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули);

2) хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларидан бири бўлган – қўллаб-қувватлаш методидан фойдаланди.

**2-кейс баёни** Мадина 2 ёшда. У жуда хам қувноқ, хамма билан осон мулоқотга киришадиган, жуда кўп шеърлар биладиган қиз. Уни боғчага беришди ва бир ой давомида бола инжиқ,йиғлоқи, дудуғланадиган бўлиб қолди. Тарбиячи ота-онани олдида доим қизга нисбатан хушмуомала бўлиб, эркалатарди. Отаона вазиятни суриштирса, тарбиячи уйда кўрқиб кетган бўлса керак, деб 65 вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди. Боладан сўралса, бола ҳеч нима гапириб бера олмайди.

**Саволлар:**

- 1.Бу вазиятда ким айбдор?
- 2.Ота-она қандай йўл тутиши керак?
- 3.Болага энди қандай муносабат билдириш керак?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар: “Педагогика” ва “Психология”га оид адабиётлар. Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг. 5. Ечимни баён этинг.

**Ўқитувчининг ечими**

1. Тарбиячининг тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олмади ва тарбия жараёнида қаттиққўллик методидан фойдаланди.
2. Ота-она боғча мудираси билан келишиб, Мадинани бошқа ҳақиқитан мулойим, хушфёъл тарбиячи гуруҳига ўтказиши керак.
3. Янги тарбиячига эса вазиятни тушунтириб, Мадинага эътиборлироқ бўлишни сўраб, алоҳида логопед, психолог ва невропатолог билан ишлаб Мадинани бу кучли стрессдан чиқариб олиш керак

**VI. ГЛОССАРИЙ**

№	Билиш қобилияти	Ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари –
---	-----------------	---

		ўқувчилар, ота-оналар, хамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият
1	Дикция (лот. “diction” – “талаффуз қилиш”)	сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши
2	Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти	педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатувчи сифат
3	Касбий зийраклик	– ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш
4	Касбий компетентлик	– мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

5	Касбий-педагогик бурч	– мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа
6	Коммуникатив компетентлик	таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, ўқувчилар билан самимий мулоқотда бўлиш, 68 уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш
7	Маҳорат (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”)	1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи
8	Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари	ўқитувчиларда намоён бўладиган касбий маҳорат асосини ташкил этувчи элемент (унсур)лар (педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик мулоқот маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив таъсир кўрсатиш



		қобилияти, педагогик такт (назокат), педагогик техника, нутқ техникаси, педагогик ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият)
<b>9</b>	Педагогик мулоқот маданияти	педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкасблар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган суҳбати
<b>10</b>	Педагогик мулоқот услублари	ўқитувчилар томонидан педагогик жараёнда таълим иштирокчилари билан мулоқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуи (авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб)
<b>11</b>	Педагогик тафаккур	педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятининг, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагог ақлий фаолиятининг юксак шакли

12	Ташкилотчилик қобилияти	– педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини англатувчи сифат
13	Фикрлаш маданияти	педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодаловчи сифат
14	Шахсий компетентлик	– изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш
15	Ўз-ўзини ривожлантириш	шахсининг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши
16	Ўз устида ишлаш	шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли

		харакатларнинг ташкил этиши
<b>17</b>	Қобилият	шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият
<b>18</b>	Ҳис этиш маданияти	педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом еттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли [Фармони](#).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
2. Бореев Ю. Эстетика. Теория литературе. Энциклопедический словарь терминов М. 2003
3. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
4. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014. 60 б.
5. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
6. Умаров Н, Соатжонов И. Француз адабиёти тарихи. Тошкент 2002
7. Хализев В.Э. Теория литературе. М, 2005
8. Эстетика теории литературы. М, 2005
9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Энциклопедия. – Т.: Шарқ, 2015.
10. Комилов Н. Тасаввуф. –Т., 2009.

11. Маннанов А. Рошанийская литература. –Т., 2006.
12. Очерки истории литератур Индии (X – XXвв). – Спб. 2014.
13. Афғонистон дариёзабон адабиёти. Тошкент. 2016.
14. Араб адабиёти. Тошкент, 2016.
15. Корейс адабиёти, Тошкент 2019.
16. Эрон адабиёти. Тошкент, 2016.
17. Турк адабиёти. Тошкент, 2016.
18. Ҳиндистон адабиёти. Тошкент, 2016.
19. Хитой адабиёти. Тошкент. 2016.

#### **IV. Интернет сайтлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. [www. Ziyonet. Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
4. Открытое образование. <https://openedu.ru/>
5. <http://www.duplaisiralire.com/>–Тил ўрганиш веб сайти
6. <http://www.polarfle.com> – Тил ўрганиш веб сайти [titsuos.uz](http://titsuos.uz) – Тошкент давлат шарқшунослик университети веб сайти.